ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА - ҚУРИЛИШ
ИНСТИТУТИ
“ИҚТИСОДИЁТ ВА КЎЧМАС МУЛКНИ
БОШҚАРИШ” КАФЕДРАСИ

# МАЪРУЗА МАТНИ

## “ҚУРИЛИШДА БАҲОНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА СМЕТА ИШИ” ФАНИДАН МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

Тошкент – 2015

Маърузалар матнида капитал қурилишнинг асосий масалалари - қурилишнинг миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги роли ва ўрни, унинг хусусиятлари, тармоқлараро алоқалари, бошқарув тизими, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қурилиш иқтисодиётини ислоҳ қилиш муаммолари кўриб чиқилади.

Қурилиш фаолиятини ишлаб чиқариш бирликлари миқёсида режалаштиришнинг хусусиятлари, қурилиш индустриясининг ресурс ва ишлаб чиқариш салоҳияти, қурилишда фан-техника тараққиётининг асосий йўналишлари ҳамда уни баҳолаш усуллари, қурилишда нархнинг шаклланиши, фойда ва рентабеллик масалалари, қурилишда бухгалтерия ҳисоби, ва аудит ҳамда қурилиш ишлаб чиқаришини диверсификациялаш масалалари баён қилинади.

Маъруза матнлари 5580900 - “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” таълим йўналиши бўйича таҳсил олаётган талабалар учун мўлжалланган. Шунингдек, ушбу маъруза матнларидан архитектура ва қурилиш соҳасининг бошқа таълим йўналишларидаги талабалар, шунингдек тармоқ иқтисодиёти ва инвестиция сиёсати муаммоларига қизиқувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Тузувчи: Шарипов И.Ў. – “Иқтисодиёт ва кўчмас мулкни бошқариш” кафедраси ассистенти

Маърузалар матни “Иқтисодиёт ва кўчмас мулкни бошқариш” кафедрасининг 2013 йил “___”_________даги №__ - сонли йиғилишида муҳокама қилинди ва маъқулланди.

Маърузалар матни институт Илмий-услубий кенгашининг 2013 йил “____”_______даги йиғилишида кўриб чиқилди ва чоп этишга рухсат этилди (Баённома № ____ ).

## 1-мавзу. Қурилишда баҳони шакллантиришнинг умумий масалалари. Қурилишда нархларни шакллантириш усуллари.

**1.1. Объект қурилишининг шартномавий нархлардаги баҳоси**

**1.2.Лойиҳани дастлабки босқичини амалга оширишда қурилиш объекти баҳосини аниқлаш**

**1.3. Қурилишнинг бошланғич баҳосини жорий нархларда (ресурс усулида) аниқлаш**

### 1.1. Объект қурилишининг шартномавий нархлардаги баҳоси

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари молиялаштиришнинг марказлаштирилган ва шу каби манбалари ҳисобига амалга оширилаётган янгидан қурилаётган, кенгайтирилаётган, реконструкция қилинаётган ва қайта техник жиҳозланаётган корхоналарни, бино ва иншоотларнинг капитал таъмири ва капитал реконструкцияси (қурилиш), шунингдек бино ва иншоотларнинг жорий таъмирланишида қурилиш баҳосини шартномавий жорий нархларда аниқлаш бўйича асосий қоидаларни белгилаб беради.

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъий назар буюртмачилар (инвесторлар), пудратчи ташкилотлар, шунингдек инвестицион жараённинг бошқа қатнашчилари томонидан қурилиш объектининг баҳосини жорий нархларда аниқлашлари учун фойдаланишга мўлжалланган.

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларида келтирилган қурилиш баҳосини аниқлаш қоидалари қурилиш қайси - пудрат ёки хўжалик – усулда амалга оширилаётганига боғлиқ эмас.

Объект қурилишининг шартномавий нархлардаги баҳоси:

-“қурилиш” жараёнида зарур бўлган барча харажатлар нархининг ҳисоблаш (калькуляцияси);

-ўхшаш объект ёки лойиҳа (ишчи лойиҳа)га мувофиқ зарур бўлган қувват бирлиги учун сарфланадиган солиштирма харажатлар нархи асосида белгиланувчи пул маблағларининг умумий суммасидир.

Дастлабки нарх – танлов савдолари предметининг буюртмачи ёки унинг буюртмасига кўра лойиҳа ёки ихтисослашган ташкилот томонидан белгиланувчи нархи.

Шартномавий жорий нарх – танлов савдолари предметининг танлов савдолари натижаларига кўра белгиланувчи нархи.

Қурилиш нархини белгиланиши учун асос бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:

қувват бирлиги учун сарфланган солиштирма харажатлар, шунга ўхшаш объектлар нархи, лойиҳа (ишчи лойиҳа) ва ишчи ҳужжатлар, шу жумладан чизмалар, қурилиш ва монтаж ишлари ҳажмининг рўйхати, ресурслар сметаси, ускуналар спецификацияси ва рўйхати, қурилишнинг ташкиллаштирилиши ва кетма-кетлиги бўйича қурилиш ташкилотида

қабул қилинган асосий қарорлар ва шунингдек, лойиҳа материаллари бўйича тушунтириш хатлари;

Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (ШНҚ)нинг 4-қисми асосида ишлаб чиқазиладиган “Смета нормалари ва қоидалари” ҳамда асбоб-ускуналар, мебел ва инвентарларни сотиш, лимитланган ва бир марталик нархлашни амалдаги смета нормалари (нормалар).

**Лойиҳа амалга оширилишининг турли шароитлари ва босқичларида қуйидагилар аниқланиши мумкин**:

- объектнинг ДТИА (ДТИҲ), ТИА (ТИҲ), ишчи лойиҳа (ИЛ) босқичларидаги жорий нархлардаги баҳоси;
- буюртмачи томонидан танлов савдолари ўтказиш ёки пудратчи билан дастлабки музокаралар олиб бориш учун қўлланиладиган объектнинг жорий нархлардаги дастлабки нархи;
- объектларнинг ёки уларнинг маълум қисмининг пудратчи ташкилотлар томонидан белгиланган нархдаги баҳоси (танлов асосида ўткзалидиган савдоларда қатнашиш учун таклиф этилган нарх);
- қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатларда танлов савдолари ўтказилмасдан туриб белгиланган объектнинг жорий нархлардаги баҳоси.

Бозор муносабатларида марказлашган ёки уларга тенглаштирилган манбалар ҳисобига қурилаётган объектларнинг жорий нархлардаги шартномавий баҳосини белгилаш, одатда, танлов асосида ўтказиладиган савдо натижасига асосланиб амалга оширилиши лозим.

Объектнинг танлов савдолари натижаларига асосланиб белгиланган жорий нархлар бўйича шартномавий баҳоси танлов савдосини ўтказиш тартиби бузилганлиги аниқланганида ёки шартномада аввалдан кўрсатилган сабабларга кўра амалдаги низомга мувофиқ равишда қайта кўриб чиқилиши мумкин.

## 1.2.Лойиҳани дастлабки босқичини амалга оширишда қурилиш объекти баҳосини аниқлаш

Лойиҳанинг дастлабки босқичларини (ДТИА, ДТИҲ, ТИА, ТИҲ) амалга ошириш жараёнида қурилиш объектининг жорий нархлардаги баҳосини аниқлаш учун амалга оширилган ўхшаш лойиҳаларнинг нархлари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Ҳажмий-режалаштириш ва конструктив ечимларга боғлиқ равишда ўхшаш объектларни танлашда қувват бирлиги учун сарфланган капитал маблағларнинг солиштирма миқдорини ҳисобга олиш зарур.

Ўхшаш объект бўйича маълумотлар бўлмаган ҳолларда, лойиҳа ва қурилиш ташкилотларининг архивлари ёки буюртмачиларнинг маълумотлар базасидан олинган ва аввалроқ лойиҳалаштирилган ва қурилган объектлар бўйича кўрсаткичларга асосланган ҳолда ўхшаш лойиҳа танланиши мумкин.

Қурилиш объектининг жорий нархлардаги баҳосини дастлабки босқичларда буюртмачи (инвестор)нинг ўзи мустақил ёки танлов асосида

танлаб олган лойиҳа (инжиринг, консалтинг) ташкилоти аниқлаши мумкин.

Лойиҳа (инжиринг, консалтинг) ташкилоти томонидан объект қурилишининг ҳисоблаб берилган нархи тавсия тариқасида берилади.

Лойиҳани дастлабки босқичда амалга оширишда тавсия қилинган нархдан фойдаланиш тўғрисидаги қарорни буюртмачи қабул қилади.

Таққослаш ва таҳлил натижалари асосида ишларнинг тури бўйича қурилиш нархининг тузилмасига тузатишлар киритилади ва объектнинг жорий нархлардаги баҳоси аниқланади.

Қурилишнинг жорий нархлардаги баҳоси дастлабки босқичда бинонинг алоҳида элементларининг нархи асосида ҳам аниқланиши мумкин.

"Бино элементи" тушунчаси турли лойиҳаларда бир хил вазифани бажарувчи бинонинг қисмини англатади. Пойдеворлар, деворлар, том, пардозлаш ва ҳоказолар учун "элемент"лар ажратиб кўрсатилади.

Бунда бинонинг тури ва вазифасига боғлиқ равишда қўлланиладиган элементларнинг сони ўзгариши мумкин.

Ушбу методнинг татбиқ қилиниши бинонинг айрим элементлари нархи тўғрисидаги маълумотларни мунтазам кузатиб боришни ва уларнинг банкини яратишни талаб қилади.

**Қурилиш ҳажмини аниқлаш қоидалари**

1. Бинонинг чордоғ томли ер усти қисмининг қурилиш ҳажмини, бинонинг цокольдан юқори биринчи қават даражасида ташқи чизиғи бўйича горизонтал кесими майдонини бинонинг айнан биринчи қават полидан то чордоғ томининг иситгичигача бўлган бутун баландлигига кўпайтириш орқали аниқлаш лозим.

Бинонинг чордоғ томсиз ер усти қисмининг қурилиш ҳажмини, вертикал кўндаланг кесими майдонини кесим майдонига перпендикуляр йўналишда, цокольдан юқори биринчи қават даражасида олдинги деворлар сиртлари орасидаги ўлчанган бино узунлигига кўпайтириш билан аниқлаш лозим.

Вертикал кўндаланг кесим майдонини, деворларнинг ташқи сиртини айланма ўлчами бўйича, томнинг юқори чизиғи бўйича ва қават тоза полининг даражаси бўйича аниқлаш лозим. Кўндаланг кесим майдонини ўлчашда деворлар сиртидан чиқиб турган архитектуравий қисмларни, ҳамда ботиқликларни ҳисобга олмаслиз керак.

Бинода майдони турли ўлчамдаги қаватлар мавжуд бўлганда, бино ҳажмини унинг қисмларининг ҳажмлари йиғиндиси сифатида аниқлаш лозим. Шунингдек агар бино қисмлари тузилиши ёки конструкцияси бўйича бир-биридан қаттиқ фарқ қилган ҳолларда, бинонинг ҳажмини қисмларга бўлиб ҳисоблаш зарур. Бино ҳажми қисмларга бўлиб ҳисобланганида чегара девор ўзининг баландлиги ёки конструкцияси бўйича тўғри келадиган бино қисмига тегишли ҳисобланади.

2. Томнинг ташқи чизиғидан чиқиб турган чироқларнинг қурилиш ҳажми бино қурилиш ҳажмига киритилади.

3. Эрекр, пешайвон, тамбур ва бинонинг фойдали ҳажмини кўпайтирувчи бошқа қисмларини алоҳида ҳисоблаш ва бинонинг умумий ҳажмига қўшиш лозим. Лоджия (бир томони очиқ айвон)лар ҳажми бино ҳажмидан чиқариб ташланмайди. Ўтиш йўллари, портчалар, ҳамда очиқ ва ёпиқ балконлар ҳажми бино ҳажмига киритилмайди.

4. Жамоат ва турар жой биноларининг техник қаватларини бинонинг ҳажмига киритиш лозим.

5. Мансард қават (оғма болохона) ҳажмини унинг пол даражасидаги деворлар ташқи айланмаси бўйича мансарднинг горизонтал кесими майдонини мансард полидан чордоғ ёпинчиғининг тепа қисмигача бўлган баландликка кўпайтириш орқали аниқлаш лозим.

6. Ертўла ва ярим ертўлалар ҳажмини ертўланинг цокольдан юқори, биринчи қават даражасидаги горизонтал кесимини тоза полдан биринчи қаватнинг тоза полигача бўлган ўлчам узунлигига кўпайтириш орқали аниқлаш лозим. Бино ичида устидаги деворсиз ертўла қилинганида, майдонни унинг тепасидаги ёпинчиғи даражасида ертўла ташқи айланмаси бўйича аниқлаш лозим.

7. Ертўлали ёки ярим ертўлали биноларнинг умумий қурилиш ҳажмини мазкур илованинг 1-5 бўлимларига мувофиқ ҳисобланган бинонинг ер усти ҳажми ва 6 бўлимига мувофиқ ҳисобланган ертўла (ярим ертўла) ҳажми йиғиндиси сифатида аниқлаш лозим.

8. Деворларни ташқи айланмаси бўйича ўлчаш амалга оширилганда унинг сувоғи ва безаги қалинлиги ҳисобга олиниши лозим.

### 1.3. Қурилишнинг бошланғич баҳосини жорий нархларда (ресурс усулида) аниқлаш

Объектнинг жорий нархлардаги бошланғич баҳоси амалдаги низомга мувофиқ буюртмачилар ёки уларнинг топшириғига кўра лойиҳа ёки ихтисослашган ташкилот томонидан прогноз жорий нархлар ва ресурслар тарифлари учун харажатлар калькуляциясига асосланган ресурс методи ёрдамида ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.04.2004й. 02-7-11-сонли баённомасининг қарорига кўра марказлаштирилган манбалар ҳисобига молиялаштирилаётган объектнинг дастлабки баҳоси Ўзбекистон Республикаси Даврхитектқурилиш қўмитаси қошидаги Давлат экспертиза органларида албатта экспертизадан ўтказилиши керак.

Ресурс методида қуйидаги харажатлар аниқланади:

- қурувчи-ишчилар меҳнатининг харажатлари;
- қурилиш машиналари ва механизмларини эксплуатацияси бўйича харажатлар (машинистларнинг маоши ҳисобга олинади);

- транспорт ва тайёрлаш-омбор харажатлари билан қўшиб ҳисобланган материал, конструкция ва маҳсулот сотиб олиш бўйича харажатлар

- транспорт ва тайёрлаш-омбор харажатлари билан қўшиб ҳисобланган ускуна, мебель, инвентарь сотиб олиш бўйича харажатлар;

- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган бошқа харажатлар;

- пудратчининг бошқа харажатлари;

- буюртмачини бошқа харажатлари (Вазирлар Маҳкамасининг 12.09.2009 й.395-сон қарорини 2-иловасига асосан фойдаланишга "тайёр ҳолда топшириш" ("под ключ") қурилишини буюртмачи харажатларига пудратчи жавобгар бўлади.

Қурилиш объектининг жорий нархлар бўйича бошланғич босқичдаги дастлабки баҳосини аниқлаш буюртмачи томонидан мустақил равишда ёки унинг буюртмасига кўра қуйидаги ташкилотлар томонидан бажарилиши мумкин:

- лойиҳа институти;

- ихтисослашган инжиринг ёки консалтинг компаниялари, Ўзбекистон Республикаси Даврархитекткурилиш қўмитасининг Капитал қурилишда иқтисодийислоҳотлар ва нархларни шакллантириш маркази.

Ихтисослашган инжиринг ёки консалтинг компаниялари, Ўзбекистон Республикаси Даврархитекткурилиш қўмитасининг Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар ва нархларни шакллантириш маркази томонидан аниқланган қурилиш объектининг жорий нархлар бўйича бошланғич босқичдаги дастлабки баҳоси тавсия тариқасида берилади.

## 2-Мавзу. Капитал қурилишда баҳони шаклантиришнинг смета-норматив базаси

**2.1.Қурилишда нарх шакллантириш учун ресурсларни сметали меъёрлашнинг асосий вазифалари**

**2.2. Қурилишда нарх шакллантириш учун зарур смета норматив хужатлар тизимига кирувчи ресурсли смета нормативларнинг турлари**

**2.3. Элементли смета ресурс нормалари ва уларни ишлаб чиқиш тартиби**

**2.4.Иқтисодий нормативлар ва уларнинг қуйи тизими**

### 2.1. Қурилишда нарх шакллантириш учун ресурсларни сметали меъёрлашнинг асосий вазифалари

Нархларни шакллантириш учун ресурсли смета нормативлар тизими «Иқтисодий нормативлар» қуйи тизимининг шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини, ҳамда қурилиш учун зарур бўлган ресурслар ҳажмини аниқлаш учун керак бўлган ва Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиши томонидан тасдиқланадиган бошқа ресурсли смета нормативларни ўз ичига олади.

Ресурсли смета нормативлар бу – алоҳида тўпламларга жамланувчи ресурсли смета нормалар комплексининг умумлаштирилган номи. Зарур талабларни ўз ичига оладиган қоида ва низомлар билан бир қаторда улар турли хилдаги бино ва иншоотлар қурилишига, реконструкциясига, кенгайтирилишига, техник қайта жиҳозланишига ва таъмирланишига сарфланадиган ресурсларни холис баҳолаш учун ҳизмат қилади.

**Шахарсозлик ва нормалари қоидаларининг тўртинчи ост тизимидаги асосий қоида** ва низомларига ойдинлик киритувчи ҳужжатлар смета ресурс ҳужжатларини тайёрлашда фойдаланилиши керак бўлган йўриқнома, методик кўрсатмалар, қўлланма ва бошқа материаллар кўринишида қўшимча сифатида чиқарилиши мумкин.

Қурилишда нарх шакллантириш учун ресурсларни сметали меъёрлашнинг асосий йўналиши бу - қурилишда нарх шакллантириш учун ресурсрли смета нормативлар тизими орқали турли хилдан бино ва иншоотлар қурилиши (реконструкцияси, кенгайтирилиши, техник қайта жиҳозланиши ва таъмирланиши) учун зарур бўлган ресурсларга бўлган эҳтиёжни холис баҳолашдир.

Зарур ҳолларда ресурсли смета нормативлардан алоҳида лойиҳавий ечимларни таққослаш ва иқтисодий баҳо бериш учун, ҳамда капитал қўйилмалардаги тузилмавий ўзгаришлар таҳлилида фойдаланиш мумкин.

## 2.2. Қурилишда нарх шакллантириш учун зарур смета норматив хужжатлар тизимига кирувчи ресурсли смета нормативларнинг турлари

Қурилишда норматив ҳужжатлар тизими қуйидагиларга бўлинади:

- республика миқёсидаги
- давлатлараро
- бошқармавий

Қурилиш баҳосини аниқлаш учун ресурс нормативларини ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш қоидаларини ўз ичига оладиган «Иқтисодий нормативлар» ШНҚ 4нинг қуйи тизими билан биргаликда нормативлар ресурсларни сметали меъёрлаш методологиясини хосил қилади.

Буларнинг барчаси республика миқёсидаги, давлатлараро ва бошқармавий ресурс нормативлари 1-иловада келтирилган, қурилишда нарх шакллантириш ва меъёрлаш тизимининг ресурсли смета-норматив базасини ташкил қилади.

Республика миқёсидаги нормативлар «Иқтисодий нормативлар» ШНҚ 4нинг қуйи тизимига кирувчи, Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиши томонгидан кучга киритилувчи нормативларни ўз ичига олади.

Улардан Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалининг турли соҳаларида амалга ошириладиган қурилишларнинг баҳосини аниқлашда фойдаланиладиган ресурсларнинг талаб қилинадиган миқдорини аниқлашда фойдаланилади. Ушбу нормативларга шунингдек ресурсли элементли смета нормалари (РЭСН) ҳам киради.

Давлатлараро ресурс нормативларига МДҲ давлатларининг стандартлаштириш ва техник меъёрлаш бўйича Давлатлараро илмий-техника хайати ёрдамида ишлаб чиқилган ресуср нормативлари киради ва улар Ўзбекистон Республикаси Даврхитектқурилиш буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси худудида кучга киради.

**Ресурс нормативлари қурилиш баҳосини ресурс усули билан аниқлашнинг талаблари таснифи**

-тизимнинг асосий вазифаларига ва қурилишда ресурсни меъёрлашга мувофиқ бўлган ҳолда лойиҳалашнинг турли босқичларида нархни аниқлашга имкон бериши;

-турли ресурсларни оптимал сарфини, атроф табиат муҳитидан самарали фойдаланишни, қурилиш баҳосини тўғри ва аниқ аниқланишини таъминлаган ҳолда техник ва иқтисодий жихатдан асосланган бўлиши;

-қурилиш техникаси ютуқларини ва қурилиш ишлаб чиқаришининг илғор технологияларини ҳисобга олган ҳолда қурилишнинг илмий-техник ривожини рағбатлантириши;

-фойдаланишда жуда қулай ва оддий бўлиши, компьютерлардан ва бошқа автоматлаштириш усулларидан кенг фойдаланиш имконини берадиган, ҳамда норматив ҳужжатлар ҳажмини қисқартириш имконини бериши лозим.

Ресурсли смета нормативлар ишлаб чиқилиши жараёнида, алоҳида нормативларда мавжуд бўлган харажатларни қайта ҳисоблаш имкони бўлмаслиги керак.

## 2.3. Элементли смета ресурс нормалари ва уларни ишлаб чиқиш тартиби

Ресурсрли смета нормативларни ишлаб чиқиш учун керакли маълумотларга қуйидагилар киради:

- лойиҳавий материаллардаги энг мувофиқ техник ечимлар;
- замонавий фан ва техника ютуқларини ўзида мужассамлаштирган қурилиш ишлаб чиқариши технологияси ва қурилиш машиналари;
- материаллар, маҳсулотлар ва конструкциялар ҳамда ускуналарга таълуқли амалдаги нормативлар;
- қурилишда ишчиларга хақ тўлаш бўйича амалдаги нормалар ва низомлар.

Ресурсли смета нормативлар ўз кучини маълум вақтгача, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси қарорлари асосида амалга ошириладиган янги смета нормативларига кучга киргунига қадар сақлаб туради.

Қурилишда янги смета нормаларига ўтиш хақида қарор қабул қилинганида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси янги кучга киритилаётган смета нормативлари қандай маълумотлар асосида ишлаб чиқилиши кераклигини ва мувофиқ нормативларни кучга кириш санасини белгилайди.

Ресурс смета нормаси деганда қурилиш ёки монтаж ишлари ҳамда конструкциялар учун, одатда табиий (физик) бирликларда ёки нисбий шаклда (фоиз, коэффициент кўринишида) қабул қилинган кўрсаткич учун белгиланган ресурслар мажмуаси (ишчилар меҳнат сарфи, қурилиш машиналарининг ишлаш вақти, материаллар, маҳсулотлар ва конструкцияларга бўлган эҳтиёж) тушунилади.

Смета нормаларидаги ресурсларнинг таркиби ва миқдори қурилиш ишлаб чиқариши технологияси ва уни ташкил этиш соҳасидаги охирги ютуқларга, монтаж ва қурилиш ташкилотларини техник жихозланишининг замонавий талабларига жавоб бериши, қурилиш соҳасидаги илғор тажрибаларни, ҳамда самарали лойиҳавий ечимларни, материалларни, маҳсулотларни ва конструкцияларни ўзида акс эттириши лозим.

Смета нормаларининг асосий функцияси – нарх кўрсаткичларга ўтиш учун асос сифатида мувофиқ турдаги ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларнинг норматив миқдорини аниқлашдир.

Ресурсли смета нормативларни ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва кучга киритиш «Қурилишда норматив ҳужжатлар тизими. Норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби»да келтирилган

тартибга мувофиқ равишда амалга оширилади ва мавжуд қоидаларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Янги ресурсли смета нормативларни ишлаб чиқиш ва илгари амалда бўлганларини қайта ишлаш Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиши томонидан тасдиқланадиган методик ҳужжатлар асосида Давархитектқурилишнинг ва алоҳида инвесторларнинг топшириғи билан мувофиқ норматив ишлар режаси бўйича амалга оширилади.

Лойиҳада (ишчи ҳужжатларда) кўзда тутилган конструкциялар ва ишлар учун амалдаги ресурсли элементли смета нормативлар тўпламларида нормативлар мавжуд бўлмаган ҳолларда, қурилиш учун ресурсли смета ҳужжатларини тузувчи лойиҳачи ташкилот лойиҳа (ишчи ҳужжатлар) таркибида тасдиқланадиган мувофиқ ресурсли смета нормаларни ишлаб чиқиши лозим.

Амалга киритилиши зарур бўлган ресурсли смета нормативлар лойиҳалари, илмий-тадқиқот ва лойиҳачи ташкилотларни жалб қилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилишининг капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар бошқармаси томонидан тайёрланади.

Ресурсли смета нормативларни нашр қилиш ва қайта нашр қилиш хуқуқи, нормативни тасдиқловчи идорага тегишлидир.

Тасдиқланган ресурсли смета нормативларни тўплам кўринишида нашр қилишга йўл қўйилади. Бунда:

-тўплам муқовали қилиниши, алоҳида ҳужжатларни эса тўпламга муқовасиз, яъни фақат титул варағини қўйиш билан нашр этиш керак;

-тўпламнинг муқовасига унга кирган барча алоҳида ҳужжатларнинг белгиларини киритиш лозим;

-тўпламнинг пастки қисмида бетларнинг рақамлари қўйиб борилиши лозим.

Смета нормативларини тасдиқлаган ва кучга киритган ресурсли смета нормативларни ишлаб чиқувчи ташкилотлар (бир нечта амалга оширувчилар мавжуд бўлган холда – ишлаб чиқувчи ташкилотлар) ва идоралар амалдаги нормативларни илмий-техник даражасини аниқлаш учун уларни даврий равишда текшириб туришлари ва уларни янгилаш бўйича таклифлар тайёрлашлари зарур.

Амалдаги ресурсли смета нормативларни янгилаш қайта кўриб чиқиш режаларига мувофиқ ҳолда бутунлай қайта кўриб чиқиш ёки алоҳида ўзгартиришлар киритиш (масалан: уларга нисбатан коэффициентлар келтириш) йўли билан амалга оширилади. Одатда бу, ресурсли смета нормативларга ўзгартиришлар ёки ресурсли смета нормативлар тўпламларига қўшимчалар ишлаб чиқиш йўли билан амалга оширилади ва уларни кучга киритиш янги нормативларни кучга киритиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ресурсли смета нормативлар тўпламларига қўшимчалар, тўпламлар расмийлаштирилгани каби расмийлаштирилади.

Ресурсли смета нормативларни қайта кўриб чиқиш, уларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш учун асос сифатида, тугалланган илмий-техник ёки тажриба ишларининг натижалари, ресурсли смета нормативлар тузиш ва қўллашнинг, смета нормативлар талабларига риоя қилиш ва уларни қўлланилишини назорат қилишнинг миллий ва хориж тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш хизмат қилиши мумкин.

Мувофиқ ресурсли смета нормативлар тўпламига киритиладиган ҳар бир ўзгаришга рўйхатдан утиш тартиб рақами берилади. Смета нормативлари тўпламига қилинган ҳар бир қўшимчага қуидагича титул белгиси берилади: «Сони (сўнг тартиб рақами келтирилади)».

Ўзгартиришлар ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш ва рақамлаш, ресурсли смета нормативлар тўпламларини биринчи бор кучга киритишдаги каби тартибда амалга оширилади.

**Ресурсли смета нормативларни ишлаб чиқиш ва тўғри қўллашдаги масъулият.** Ресурсли смета нормативларни ишлаб чиққан етакчи ташкилотлар, уларни амалга киритиш учун тақдим этган вазирликлар ва бошқармалар, ҳамда уларни амалга киритувчи идоралар қуйидагилар учун қонунчиликда белгиланган жавобгарликни ўз зиммаларига оладилар:

- ресурсли смета нормативлар талабларини замонавий фан, техника, илғор ишлаб чиқариш тажрибасига, ҳамда қурилган объектдан фойдаланиш шарт-шароитларига мувофиқлиги;
- ресурсли смета нормативларда ресурс сарфини пасайтиришга, қурилиш муддатини камайтиришга ва қурилиш сифатини оширишга, энг оптимал ечимларни тадбиқ этишга, моддий, энергия, меҳнат ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланишга, қурилишни индустрлаш ва меҳнат самарадорлиги даражасини оширишга, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилашга, атроф муҳитни мухофаза қилишга, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган талаблар ўз аксини топиши;
- ресурсли смета нормативлар асоси бўлган бирламчи маълумотларни тўғрилиги ва уларни техник, ҳамда иқтисодий жиҳатдан асосланганлиги;
- ресурсли смета нормативларни амалдаги қонунчиликка, Ўзбекистон Республикаси давлат стандартларига мувофиқлиги;
- смета нормативларнинг мазкур гуруҳ ШНҚ низомларига мувофиқлиги, матнли ва рақамли маълумотларнинг, ҳамда ишлатилган терминларнинг тўғрилиги;
- ресурс смета нормативларига ўзгартиришлар киритиш хақида ёки амалдаги смета нормативлар тўпламлари учун қўшимчалар ишлаб чиқиш зарурлиги хақида ўз вақтида асосланган таклифлар тақдим этиш;
- ресурсли смета нормативларни режада белгиланган муддатда амалга киритиш учун, уларни лойиҳаларини тақдим этиш.

Ресурсли смета нормативлар талабларига риоя қилмаганликлари учун, жумладан ушбу нормативларни Ўзбекистон Республикаси

қонунчилигига биноан мувофиқ равишда қўлламаганликлари учун ташкилотлар, муассасалар ва корхоналар, ҳамда улардаги масъул шахслар, жавобгарликка тортиладилар.

**Смета норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилинишини назорат қилиш.** Лойиҳани тузувчи, муҳандислик тадқиқотларни ва қурилишни амалга оширувчи ташкилотлар, муассасалар ва корхоналар, ҳамда экспертиза идоралари смета норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилинишини доимий равишда назорат қилинишини таъминлайдилар.

Смета-норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилинишини танлов асосида назоратини, Ўзбекистон Республикаси Даврхитектқурилиши, ҳамда норматив ҳужжатни амалга киритиш учун тақдим этган вазирликлар ва маҳкамалар амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Даврхитектқурилиши Республиканинг барча ташкилотларида смета норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилинишини, ташкилотнинг қайси бошқармага бўйсуниши ва хўжалик туридан қатъий назар текширади.

Смета норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилинишини текшируви натижалари далолатнома ёрдамида расмийлаштирилади. Чора кўлилиши учун текширувлар далолатномаси текширилаётган ташкилотнинг юқори идораларга йўналтирилиши лозим.

## 2.4. Иқтисодий нормативлар ва уларнинг қуйи тизими

«Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари» ШНҚ 4нинг қуйи тизими таркибига кирувчи ресурсли смета нормативларнинг тўлиқ шифри «ШНҚ» харфларидан, бир-биридан нуқталар билан ажратилган қуйи тизим рақами – «4»дан, гуруҳ рақамидан (иккита рақам) ва гуруҳ иловасидаги тўплам рақамидан (иккита рақам) ташкил топган бўлиши керак; чизиқчадан кейин қўйилган охирги икки рақам смета нормативи тасдиқланган йилини англатади. Масалан: ШНҚ 4.02.01-2004й. деганда, ушбу ШНҚ - «Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари»; 4-ост тизим - «Иқтисодий нормативлар»; 02-гуруҳ – «Ресурсли элементли смета нормалари»; 01-Тўплам 1 «Ер ишлари»; 04 – охирги икки рақам тасдиқланган йилини англатади.

Ҳар бир ресурсли смета нормативлар тўпламидаги ресурсли смета нормативнинг ички рақамланиши (шифри), ушбу нормативларнинг техник қисмларида келтирилади. Ушбу рақамланиш шундай йўл билан амалга ошириладики, тўплам рақамидан сўнг (бир ёки икки рақам) чизиқчадан кейин, қоида бўйича РЭСН жадвалининг рақамига мувофиқ ушбу тўпламдаги қиймат рақами келтирилган ва охирги икки рақам РЭСН жадвалларининг мувофиқ устунини англатади.

Қўлланиладиган ресурсли смета нормативларга ҳаволаларни бирхиллаштириш мақсадида, тузиладиган ресурсли смета ҳужжатларида 3-маълумот учун иловага мувофиқ холда қисқа шифрлардан фойдаланиш зарур.

Муассаса ресурсли смета нормативларининг шифрида, уларни рўйхатдан ўтказишда муассаса норма ва қоидаларининг қисқача белгиланиши келтирилади (Муассаса нормалари ва қоидалари) – «МНК», ост тизим рақами – «4», рўхатдан ўтказиш китобидаги тартиб рақами ва чизиқчадан сўнг тасдиқланган йилини кўрсатувчи икки рақам, ҳамда смета нормативини тасдиқлаган идоранинг қисқача норми. Масалан: МНК 4.(--)-04 Химпром.

Агарда ресурсли смета норматив амалдаги худди шундай номли норматив ўрнига тасдиқланаётган бўлса, унинг олдинги шифри сақланиб қолади, фақат тасдиқлаш йилини билдирувчи рақамларгина мувофиқ равишда ўзгаради.

**2.1-жадвал.**

**«Иқтисодий нормативлар» ШНҚ 4нинг қуйи тизимига кирувчи ресурсли смета нормативлар**

| № | Қисқача белгиси | Номи | Шифри |
|---|---|---|---|
| 1 | НТ | Қурилишда нарх шакллантириш учун смета норматив ҳужжатлар тизими | ШНҚ 4.01.01 |
| 2 | СН | Қурилиш ишлари ресурсли смета нормаларини ишлаб чиқиш ва қўллаш бўйича умумий низомлар | ШНҚ 4.02.00 |
| 3 | ЭСН | Қурилиш ва қурилиш-таъмирлаш ишлари ресурсли элементли смета нормалари тўпламлари | ШНҚ 4.02. |
| 4 | ҚМРСН | Қурилиш машиналаридан фойдаланиш ресурсли смета нормалари тўпламлари | ШНҚ 4.03. |
| 5 | ЙРК | Алоҳида иш турлари бўйича йириклаштирилган ресурс кўрсаткичлари | ШНҚ 4.08. |
| 6 | МИСН | Маҳсус ишлар ресурсли смета нормалари тўпламлари | ШНҚ 4.10. |
| 7 | ЖАСН | Жамоат ва маъмурий биноларнинг жихоз ва анжомлари учун харажатлар смета нормалари тўпламлари | ШНҚ 4.13. |
| 8 | ЙРСН | Йириклаштирилган ресурс смета нормалар тўпламлари | ШНҚ 4.14. |
| 9 | УМРСН | Ускуналарни монтаж қилиш ресурсли смета нормалари тўпламлари | ШНҚ 4.17. |

## 3-мавзу. Қурилиш баҳосини шартномавий жорий нархда аниқлаш қоидалари. Қурилиш-таъмирлаш ишлари сметаси тузилиши

**3.1. Қурилиш баҳосини шартномавий жорий нархда аниқлаш қоидалари.**

**3.2.Танлов савдоларида қатнашиши учун пудратчи ташкилотлари томонидан қурилиш баҳосини жорий нархларда аниқлаш**

### 3.1. Қурилиш баҳосини шартномавий жорий нархда аниқлаш қоидалари.

Объектнинг жорий нархлардаги бошланғич баҳоси амалдаги “Объектларни қуриш қийматини шартномавий жорий нархларда белгилаш тартиби тўғрисида” Вақтинчалик Низомга, ҳамда ШНК 4.01.16-09га мувофиқ буюртмачилар ёки уларнинг топшириғига кўра лойиҳа ёки ихтисослашган ташкилот томонидан прогноз жорий нархлар ва ресурслар тарифлари учун харажатлар калькуляциясига асосланган ресурс методи ёрдамида ҳисобланади.

**Қурилиш баҳосини шартномавий жорий нархда аниқлаш мақсадига кўра 3 усулда аниқланади:**

1. Буюртмачи томонидан қурилишнинг бошланғич баҳосини жорий нархда аниқлаш.

2. Пудратчи ташкилотларининг (таклиф этилган нарх) танлов савдосида қатнашиш учун, қурилиш баҳосини жорий нархда аниқлаш.

3. Пудратчи ташкилотларни танлов савдоси ўтказмасдан қурилиш баҳосини жорий нархда аниқлаш.

"Ресурс усули"ни қўллашда физик кўрсаткичлардаги:

- асбоб-ускуналар номлари ва миқдори;
- норматив меҳнат сарфи;
- машина ва механизмлардан фойдаланиш харажатлари;
- қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкциялар номлари ва миқдори;
- бошқа харажатлар ва сарфлар аниқланади.

"Ресурс усули" бўйича объектнинг жорий нархлардаги қиймати қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$С=(Со+См+Сзп+Сэм+Пп+Пз+Ср) \times КР,$$

Бунда:

Со - асбоб-ускуналарга, мебель ва инвентарга харажатлар;

См - қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкцияларга харажатлар;

Сзп - ижтимоий суғуртага ажратмалар ҳисобга олинган ҳолда асосий иш ҳақига харажатлар;

Сэм - машина ва механизмлардан фойдаланиш харажатлари;

Пп - бошқа харажатлар ва пудратчининг харажатлари;

Пз - бошқа харажатлар ва буюртмачининг харажатлари;

Ср - объектлар қурилишини суғурта қилиш харажатлари;

Кр - навбатдаги йилда қурилишда нарх ўсишининг прогнозлаштирилаётган индексидан келиб чиқиб аниқланадиган таваккалчилик коэффициенти.

Қурилиш материаллари, маҳсулотлари, конструкциялари, ускуналар, мебель ва инвентарь учун сарфланадиган харажатлар транспорт, тайёрлаш-омборда сақлаш харажатлари ва импорт материаллар, ускуна, мебель ва инвентарь учун қонунчиликда белгиланган божхона тўловларини қўшиб ҳисобланган ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи) корхоналарнинг нархлари қўлланилиб лойиҳа спецификацияларига мувофиқ тарзда тузилган ресурс рўйхатларга асосланиб ёки мазкур ҳудудда шаклланган нархлар мониторинги асосида тузиладиган маълумотлар банки бўйича аниқланади.

Турли қурилиш материаллари, маҳсулотлари, конструкциялари, ускуналари, мебель ва инвентарнинг ўртача нархи ишлаб чиқарувчи заводларнинг улгуржи нархи, қурилиш материаллари биржа ва ярмаркаларидаги нархлар, қурилиш материалларини етказиб берувчи ташкилотларнинг нархлари, Ўзбекистон Республикаси Даврхитектқурилиш қўмитаси томонидан чоп этиладиган қурилиш материаллари учун жорий нархлар каталогида келтирилган нархлар асосида аниқланиши мумкин.

Иш ҳақи учун сарфланадиган харажатлар объект қурилишининг норматив меҳнат сарфини 1 киши-соат кўрсаткичининг жорий нархига (сўм) ва ижтимоий суғуртага ажратиладиган тўловларни ҳисобга олувчи коэффициентга кўпайтириш йўли билан қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

**Сзп = Т х Сч х Ксс**

бу ерда:

**Т** – объект қурилишининг норматив меҳнат сарфи, ресурс сметаси бўйича аниқланади, киши-соат;

**Сч** – ишчиларнинг бир соат учун ўртача иш ҳақи, объектнинг дастлабки баҳосини аниқлашда, минтақа бўйича қурувчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақининг миқдори асосида ҳисобланади;

**Ксс** – ижтимоий суғуртага ажратиладиган тўловлар миқдорини ҳисобга олувчи коэффициент.

Бир соат учун ўртача иш ҳақи қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

**Сч = Змс : Ф**

бу ерда:

**Змс** – аввалги 12 ой учун статистика маълумотлари асосида аниқланган қурувчиларнинг минтақа бўйича ўртача ойлик иш ҳақи, сўм/ой;

**Ф** – Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотлари бўйича ишчи вақтининг соатда берилган ўртача ойлик фонди.

Объект қурилишининг дастлабки нархини аниқлашда машина ва механизмлар эксплуатацияси учун жорий нархларда сарфланадиган харажатлар қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

**Сэм = Эм х Цпр**,

бу ерда:

**Эм** – машина ва механизмлар эксплуатациясининг соатларда берилган ҳажми;

**Цпр** – машина ва механизмлар эксплуатациясининг соат/сўм даги жорий нархлари.

Вақтинчалик бино ва иншоотларга сарфланган харажатлар, қишки мавсумдаги нархларнинг ўсиши ШНҚ 4.09-06 “Вақтинчалик бинолар ва иншоотларнинг смета харажатлари нормалари” ва ШНҚ 4.07-06 “Қиш пайтида бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари сарфига қўшимча смета нормалари тўплами” асосида аниқланади.

Объектнинг дастлабки баҳосини белгилашда бошқа харажатларнинг нархини қуйидаги формула бўйича қурилиш-монтаж ишларининг нархига нисбатан фоизларда қабул қилиш тавсия қилинади:

***Пп = (См + Сзп + Сэм + Сп) х У,***

бу ерда:

**См** – қурилиш материаллари, маҳсулотлари ва конструкциялари учун сарфланган харажатлар;

**Сзп** – ижтимоий суғурта учун тўловлар билан бирга ҳисобланган асосий иш ҳақи учун сарфланган харажатлар;

**Сэм** – машина ва механизмлар эксплуатацияси учун сарфланган харажатлар;

**Сп –** ишлаб чиқаришга оид бошқа харажатлар;

**У** – пудратчи “бошқа харажатлари”нинг қурилиш-монтаж ишларининг нархига нисбатан солиштирма кўрсаткичи.

Объектнинг дастлабки баҳосини аниқлашда минтақа ва фаолият турлари бўйича бошқа харажатларнинг солиштирма кўрсаткичи пудратчи ташкилотларининг “5-С Шакл” бўйича тузиладиган ҳисоботлари асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Қурилиш ташкилотлари томонидан бажарилган ишлар, маҳсулотлар ва хизматлар учун сарфланган харажатларнинг асосий кўрсаткичлари” статистика бюллетени бўйича қабул қилиниши мумкин.

Объектнинг дастлабки нархи аниқланишида қурилишни суғурталаш учун сарфланадиган харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.12.1999й. 532-сонли “давлат маблағлари ва давлат томонидан кафолатланган кредитлар ҳисобига қурилаётган объектлар қурилишга оид таваккалларини мажбурий суғурталаш тўғрисида” қарорига мувофиқ аниқланади.

Мажбурий суғурталаш бўйича охириги тарифлар суғурта суммасининг 0,4% ни ташкил қилади (объектнинг тўлиқ нархидан 80%)

***Ср=(Со+См+Сзп+Сэм+Сп+Пп)х0,8х0,4%,***

бу ерда:

**Со –** транспорт ва тайёрлаш-омборда сақлаш харажатлари билан бирга ҳисобланган ускуна, мебель ва инвентарь учун сарфланадиган харажатлар;

**См -** транспорт ва тайёрлаш-омборда сақлаш харажатлари билан бирга ҳисобланган қурилиш материаллари, маҳсулотлари ва конструкциялари учун сарфланадиган харажатлар;

**Сзп –** ижтимоий суғурта тўловлари билан бирга ҳисобланадиган асосий иш ҳақи учун сарфланадиган харажатлар;

Сэм – машина ва механизмлар эксплуатациясига сарфланадиган харажатлар (машинистларнинг иш ҳақлари билан бирга ҳисобланади);

**Сп –** ишлаб чиқаришга оид бошқа харажатлар;

**Пп –** пудратчининг бошқа харажатлари.

Таваккалчилик коэффициенти навбатдаги йилда қурилишдаги нархлар ўсишини прогнозлаш индексидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Таваккалчилик коэффициенти ҳар бир алоҳида объект қурилишининг баҳосини шакллантирувчи компонентлар нархларининг ўсишини прогнозлаштирилган индексидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланиб аниқланади.

## 3.2.Танлов савдоларида қатнашиши учун пудратчи ташкилотлари томонидан қурилиш баҳосини жорий нархларда аниқлаш

Танлов савдоларида қатнашиши учун пудратчи ташкилот томонидан объект қурилишининг жорий нархлардаги баҳосини (келгусида – таклиф этилган нарх) аниқлаш бўйича асосий принциплар ва хусусиятлар келтирилган.

**Таклиф этилган нарх (оферта)** – бу танлов савдоси шартларига мувофиқ тарзда талабгор (пудратчи) томонидан бажариладиган ишлар (хизматлар)нинг нархи. Таклиф этилган нарх танлов ҳужжатлари (ресурс смета) асосида, жорий нархларда, танлов шартларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилади.

Жорий нархлардаги таклиф этилган нархларни талабгорнинг ўзи мустақил ёки унинг буюртмасига кўра қуйидаги ташкилотлар ҳисоблаши мумкин:

- лойиҳа институти;

-ихтисослашган инжиринг ёки консалтинг компаниялар, Ўзбекистон Республикаси Даврхитектқурилиш қўмитасининг капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар ва нархларни шакллантириш маркази.

Ихтисослашган инжиринг ёки консалтинг компаниялар, Ўзбекистон Республикаси Даврхитектқурилиш қўмитасининг капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотлар ва нархларни шакллантириш маркази томонидан ҳисобланган объект қурилишининг нархи тавсия тариқасида бўлади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун таклиф этилган нарх сифатида тавсия қилинган нархларни қабул қилиш тўғрисидаги қарорни пудратчи (талабгор) қабул қилади.

Талабгор томонидан жорий нархларда "ресурс усули"да таклиф этилган нарх 4-бобнинг 4.5. моддасида келтирилган формула ёрдамида аниқланади.

Таклиф этилган нархни ҳисоблаш жараёни қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

Қурилиш материаллари (маҳсулотлар, конструкциялар, ускуналар, мебель ва инвентарь) жорий нархлари транспорт харажатлари, тайёрлаш-омборда сақлаш, божхона тўловлар ва сотиб олиш ва объектга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар билан бирга қўшиб ҳисобланган ишлаб чиқарувчилар (импорт қилувчилар)нинг нархларидан ташкил топган минтақавий бозорда шаклланган нархлар асосида талабгор томонидан белгиланади.

"Фойдаланишга тайёр ҳолдаги объект" қурилишида ускуна, мебель ва инвентарь учун таклиф этилаётган нархлар таркибига уларни сотиб олиш, етказиб бериш, сақлаш, монтаж қилиш, созланиши учун сарфланган харажатлар ҳамда нафақа, йўл ва мактаб таълими фондларига ўтказиладиган тўловлар ҳам киритилади.

Талабгорлар материал ресурсларнинг нархлари тўғрисидаги маълумотларни бевосита қурилиш материалларни етказиб берувчи ташкилотлардан, шунингдек қурилиш материалларининг биржа ва ярмаркаларининг бюллетенларидан, Давархитектқурилиш қўмитасининг капитал қурилишда иқтисодийислоҳотлар ва нархларни шакллантириш маркази томонидан чоп этилувчи каталоглардан олишлари мумкин.

Транспорт харажатларини Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитасининг 06.05.2004й. 31-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Қурилиш учун юкларни ташишнинг жорий нархларини аниқлаш бўйича услубий тавсиялар" асосида аниқлаш тавсия этилади.

Тайёрлаш-омборда сақлаш харажатларини пудрат ташкилотининг сарфлаган харажатлари асосида аниқлаш тавсия этилади.

Иш ҳақи бўйича харажатларни аниқлашда, талабгор (пудратчи) томонидан киши/соат бўйича нарх аввалги 12 ой давомида ўртача ойлик иш ҳақининг шаклланган миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Пудратчи таклиф этган нархни ҳисоблашда қурилиш машиналари ва механизмларидан фойдаланишда маш/соат жорий нархини Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитасининг 06.05.2004 й. 31-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Қурилиш машиналари ва механизмларидан фойдаланишда ҳисобланган жорий нархларни аниқлаш бўйича услубий тавсиялар" асосида аниқлаш тавсия этилади.

Пудратчининг "бошқа харажатлари"нинг миқдори (даражаси)ни аниқлаш мувофиқ муддат (аввалги 12 (ўн икки) ой) учун қабул қилинган кўрсаткичлар базиси асосида пудрат ташкилотининг амалдаги баланс

кўрсаткичларига асосланган молиявий натижалари 2-шакл бўйича, корхона харажатлари 5-С шакл бўйича, меҳнат харажатлари 1-Т шакл бўйича, ҳисобот 1-МБ (микрофирма ва кичик корхоналар учун) бўйича ва ҳисобот кўрсаткичларининг таҳлили асосида қуйидаги формулалар ёрдамида амалга оширилади пудратчининг "бошқа харажатлари" % даги даражаси:

$$У = (Пп/Спр) \times 100$$

бу ерда:

**У** – пудратчининг бошқа харажатларининг мувофиқ базис давр давомида қурилиш, монтаж, таъмирлаш, ишга тушириш-созлаш ишларининг ишлаб чиқариш таннархига нисбатан фоизда берилган даражаси (катталиги), бунда "фойдаланишга тайёр ҳолдаги" объектлар нархини аниқлашда ҳисобга олинган пудратчи томонидан сотиб олинган ва монтаж қилинган ускуналарнинг нархи чиқариб ташланади.

**Пп** – мувофиқ базис давр учун қабул қилинган пудратчининг бошқа харажатлари (нарх кўрсаткичи), харажатлар рўйхати ва Ўзбекистон Республикаси Даврхитектқурилиш қўмитасининг 28.12.2007й. 129-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Объектлар қурилишини шартномавий жорий нархлардаги баҳосини ҳисоблашда буюртмачи ва пудратчининг "бошқа харажатлари"ни аниқлаш бўйича услубий тавсиялар"нинг №1, №2 ва №3 иловаларида келтирилган тартибга асосланган ҳолда ҳисобланади.

**Спр** – мувофиқ базис давр давомида бажарилган қурилиш, монтаж, таъмирлаш, ишга тушириш ишларининг ишлаб чиқариш таннархи, бунда бунда "фойдаланишга тайёр ҳолдаги" объектлар нархини аниқлашда ҳисобга олинган пудратчи томонидан сотиб олинган ва монтаж қилинган ускуналарнинг нархи чиқариб ташланади.

Тўғридан–тўғри харажатларда ҳисобга олинмаган ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар пудратчининг амалдаги харажатлари ва ҚТЛ кўрсаткичларига (муваққат бино ва иншоотлар, қишки мавсумда нархларнинг ўсиши, ишчиларни ташиш, қурилишнинг вахта усули ва ш.к) мос равишда аниқланади.

Пудратчи (талабгор) таклиф этилган нархдаги "бошқа харажатлар" таркибида таклиф этилган ишларни бажариш эвазига олинадиган иқтисодий асосланган фойдани ҳам ҳисобга олади.

## 3.3. Объектлар ва ресурс смета ҳужжатларининг турлари

Ресурс смета ҳужжатлари объект нархини, муайян кетма-кетликда, иш турлари (харажатлари) – ишларнинг босқичи – объект – топшириладиган комплекс – қурилиш навбати – умуман қурилишдан иборат бўлган қурилишнинг кичик элементларидан йирикроқ элементларига босқичма-босқич ўтган ҳолда аниқлаш имкониятини беради.

Ресурс смета ҳужжатларини тузишга мувофиқ алоҳида қурилаётган бино (ишлаб чиқариш корпуси ёки цех, омбор, вокзал, сабзавот сақланадидан омбор, турар жой биноси, клуб ва шу кабилар) ёки иншоот

(кўприк, тоннель, платформа, тўғон ва шу кабилар) ва унга тегишли барча қурилмалар (галарея, эстакада ва шу кабилар), ускуналар, мебель, инвентарь, ёрдамчи ва қўшимча қурилмалар, шунингдек, зарурат бўлган ҳолатларда ёндош муҳандислик тармоқлари ва умуммайдон ишлари (вертикал режалаштириш, ободонлаштириш, кўкаламлаштириш ва шу кабилар) *қурилиш объекти* деб қабул қилинади.

Умумий технологик ёки бошқа вазифаларни бажариш учун мўлжалланган бино ва иншоотлар мажмуаси (цехларнинг блоки, қозонхона ва ёқилғи омбори, бир нечта резервуар, сув олувчи, тозаловчи ва бошқа иншоотлар гуруҳи) ҳам қурилиш объекти бўлиши мумкин.

Корхоналар, ишлаб чиқариш ёки турар жой-фуқаролик комплекслари қурилишида ташқи тармоқлар ва уларга хизмат кўрсатувчи ҳамда ёрдамчи иншоотлар (сув таъминоти, канализация, иссиқлаштириш, газлаштириш, электр энергия таъминоти ва бошқалар), шахобча йўллари, завод ёки мавзе ичидаги йўллар, бошқа умуммайдон ишлари алоҳида қурилиш объектлари ҳисобланади.

Қурилишнинг ихтисослашган турларининг ўзига хос хусусиятлари ҳам у ёки бу бино ва иншоотларни алоҳида объектлар қаторига киритишда ҳисобга олинади. Бундай объектлар сирасига қуйидагилар киради:

нефть ва газ саноатида – нефть ёки газ қувурлари (эксплуатация қилинаётган ва қидирув қувурлари) ва уларга тегишли барча ускуналар, ёрдамчи иншоотлар ва ишлар;

кўмир ва тоғ-кон руда саноатида – кавлаб бориш ва кавланаётган конлар ва шахталарнинг бошқа ер ости иншоотларини ускуналар билан жиҳозлаш ишлари;

мелиорация ва сув хўжалигида – барча иншоотлари билан бирга канал ёки канал қисми, барча иншоотлари ва иш турлари билан бирга мелиорация қилинидагиган ер майдонлари;

темир йўл қурилишида – перегон (иккита қўши станция орасидаги масофа) ёки алоҳида пункт чегарасида, алоқа тармоқлари, СМБ (сигнализация, марказлаштириш, блокировка – поездлар ҳаракатини автоматик равишда бошқариши тизими), электр энергия таъминоти ёки контакт тармоғининг муайян қисмидаги темир йўл кўтармаси ёки йўлнинг юқори қисмидаги кўтарма;

автомобиль йўли қурилишида – ер полотноси (кўтармаси), йўл тўшамаси, сув қувурлари ва автомобиль йўли маълум қисми чегарасидаги бошқа иншоотлар. Чизиқли қурилишда (темир ва автомобиль йўллари, электр токи ва алоқа узатиш линиялари, магистраль қувурлар ва ҳк.) участкаларнинг бири чегарасидаги бинолар гуруҳи (масалан: тиркалган деворлар, ер кўчиши ва силжишига қарши мўлжалланган иншоотлар, перегон чегарасида - сув ўтказувчи қувурлар, алоҳида пункт чегарасида - стрелка постлари, техник кўрикдан ўтказиш пунктлари; маълум участкада – кучайтириш пунктлари гуруҳи, алоқа қурилмалари ва СМБ).

Агар лойиҳага асосан қурилиш майдончасида ёрдамчи ва қўшимча объектларсиз фақат битта асосий объект қурилаётган бўлса (масалан: саноатда – асосий цех биноси; транспортда – темир йўл вокзалининг биноси; турар жой қурилишида – турар жой, театр, мактаб биноси ва шу кабилар), у ҳолда объект тушунчаси қурилиш тушунчаси билан мувофиқ бўлиши мумкин.

Қурилиш баҳоси, капитал маблағлар киритиш тузилмасига мувофиқ, қуйидаги ишлар ва харажатлар бўйича тоифаларга бўлинади:

- умумқурилиш ва махсус қурилиш ишлари;
- ускуналарни монтаж қилиш бўйича ишлар (монтаж ишлари);
- ускуна, мебель ва инвентарга қилинадиган харажатлар;
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган бошқа харажатлар (вақтинчалик бино ва иншоотлар, қишки мавсумдаги нархларнинг ошиши, вахта методи ва шу кабилар);
- буюртмачи ва пудратчининг бошқа харажатлари.

Қурилиш баҳосини белгилашда *умумқурилиш ва махсус ишлар* сирасига қуйидагилар киради:

бино ва иншоотларни қуриш бўйича: ер ишлари, йиғма ва монолит темирбетон ва бетон, ғишт, блок, металл, ёғоч ва бошқа қурилиш конструкциялари, пол, том, пардозлаш ишлари;

кон юзасини очиш, бурғулаш-портлатиш, устун қозиқ қоқиш, тупроқни мустаҳкамлаш, пастга туширилувчи қудуқларни жойлаштириш, қудуқларни бурғулаш, қурилиш конструкциялари ва ускуналарини коррозиядан сақлаш, иссиқлик изоляцияси (шу жумладан, қозонлар, саноат печлари ва бошқа агрегатларни ўта чидамли қоплама билан ўраш), тоғ-кон кавлаш, сув ости-қурилиш (ғаввослик) ишлари;

турар-жой ва жамоат биноларини ёритиш бўйича ишлар;

ички сув қувурлари, канализация, иситиш қувурлари, газ таъминоти, вентиляция ва ҳавони совитиш тизимини ўтказиш бўйича ишлар (иситиш қозонлари, радиаторлар, калорифер, бойлер, насос ва бошқа санитария-техник жиҳозлар ва мосламалар нархини қўшиб ҳисоблаганда);

ихтисослашган қурилишда бажариладиган ишлар, шу жумладан: автомобиль ва темир йўллари; кўприклар ва қувурлар; тоннеллар ва метрополитенлар; трамвай йўллари; аэродромлар; электр токи узатиш тармоқлари; алоқа, радио ва телевидение иншоотлари, гидротехник иншоотлари конструкциялари, стапель ва слипларнинг кема ўтказувчи йўллари; саноат печлари ва қувурлари; нефть ва газ қудуқларини бурғулаш (шу жумладан, денгиз шароитида); эрозия, сел, кўчки, силжиш ва бошқа табиий офатларга қарши иншоотлар; қирғоқни мустаҳкамлаш ишлари; мелиорация ишлари (суғориш, қуритиш, сув келтириш);

сув таъминоти, канализация, иссиқлик ва электр энергия таъминотининг ташқи тармоқлари ва иншоотларини; газ-нефть маҳсулотлари учун магистраль қувурларни, оқова сувларни тозалаш ва

атмосфера ифлосланишидан сақлашга мўлжалланган иншоотларни қуриш бўйича ишлар;

кўкаламлаштириш, ихота ва кўп йиллик мевали дарахтларни ўтказиш ишлари;

қурилиш ҳудудини тайёрлаш бўйича ишлар: дарахт ва буталарни кесиш, тўнкаларни қўпориш, майдонни режалаштириш, тупроқни ювиш ва рельефни тузиш бўйича бошқа ишлар, қурилмаларни бузиш ва кўчириш ва шу кабилар;

заминлар, пойдеворлар ва таянч конструкцияларни ускуналар билан жиҳозлашга тайёрлаш бўйича ишлар; бино ва иншоотлар қурилиши билан боғлиқ бўлган геологик ва гидрогеологик (шурфлаш, сувни тортиб олиш ва бошқа), тубни чуқурлаштириш, тоғ-капитал ва юзасини очиш бўйича ишлар;

ресурс смета нормалари тўпламларида кўзда тутилган бошқа қурилиш конструкциялари ва ишлари, шу жумладан корхона, бино ва иншоотлар реконструкцияси ва уларни қайта техник жиҳозлашда бажарилувчи қурилиш конструкцияларини қисмларга ажратиш бўйича ишлар.

Қурилиш нархини белгилашда *монтаж ишлари* сирасига қуйидагилар киради:

ускуналарнинг барча турларини, шу жумладан компрессор машиналари, насослар, вентиляторлар, электртехник қурилмалар, электр печлар, автоматлаштириш асбоблари ва воситалари ҳамда ҳисоблаш техникасини доимий эксплуатация қилинувчи жойда лойиҳавий ҳолатда йиғиш ва ўрнатиш (шу жумладан текшириш ва якка тартибда синовдан ўтказиш);

электр таъминот линиялари ва тармоқларини электр қурилмаларига ўтказиш, электр тармоқларига улаш ва электр машиналарини созлашга топширишга тайёрлаш;

технологик қувурларни ётқизиш ҳамда сув, ҳаво, буғ, совитувчи ва бошқа суюқликларни ускуналар монтажи бўйича ресурс смета нормалари тўпламларида кўзда тутилган ҳажмларда ускуналарга ўтказилишини бажариш;

ускуналар монтажи бўйича ресурс смета нормалари тўпламларида кўзда тутилган бошқва ишлар, шу жумладан фаолият кўрсатаётган корхоналар, бино ва иншоотларнинг реконструкцияси ва қайта техник жиҳозланишида бажариладиган ускуналар, мосламалар, машиналар ва қурилмаларнинг демонтажи

Қурилиш нархини белгилашда ҳисобга олинувчи *асбоб-ускуна, мебель ва инвентарнинг* нархи қуйидагилар:

**1)** Харид қилиш (тайёрлаш) ва объект омборига келтириш нархи:

монтаж қилинувчи ва монтаж қилинмайдиган ускуналарнинг барча турлари (технологик, энергетик, кўтариш-транспорт, насос-компрессор ва бошқа), шу жумладан ностандарт (лойиҳалаштириш нархини қўшиб ҳисоблаганда),

ташкилий техника, лабораториялар, турли устахоналар, тиббий хоналарнинг ускуналари;

ишлаб чиқариш билан технологик равишда боғлиқ бўлган транспорт воситалари, шу жумладан лойиҳада кўзда тутилган йўлларда юкларни ташишга мўлжалланган ва қурилишни амалга ошираётган ташкилот балансига киритилувчи ҳаракатланувчи темир йўл состави ҳамда оммавий бўлмаган юкларни ташишга ихтисослашган бошқа транспорт турларининг махсус ҳаракатланувчи состави;

территориялар, цехлар ва бошқа объектларни тозаловчи машиналар, ёнғин ўчириш воситаларининг ускуналари;

назорат-ўлчов асбоблари, автоматлаштириш ва алоқа воситалари;

ишга тушириладиган ишлаб чиқаришларнинг дастлабки фондларига киритилувчи асбоб, инвентарь, штамплар, мосламалар, жиҳозлар, эҳтиёт қисмлар, ярим тайёр ёки тайёр маҳсулотни ташиш учун мўлжалланган контейнерлар

ётоқхоналар, коммунал хўжалик, маърифий, маданий, соғлиқни сақлаш, савдо объектларини дастлабки жиҳозланиши учун зарур бўлган ускуналар, асбоблар, инвентарь, мебель ва бошқа ички асбоб-анжомлар.

2) бир марталик буюртмалар учун тайёрланиш цикли узоқ бўлган машиналар ва мураккаб технологик ускуналар конструкциясини ишлаш чиқишнинг нархи;

3) ресурс смета нормаларида ускуналар билан монтаж қилиниши ҳисобга олинган материал, маҳсулот ва конструкцияларнинг нархи;

4) шефмонтаж ускуналарнинг нархи.

Пудратчи ташкилотларининг бошқа харажатлари ва буюртмачиларнинг бошқа харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган “Қурилиш объектларини шартномавий нархини ҳисоблашда буюртмачи ва пудратчининг “бошқа харажатларини” аниқлаш бўйича услубий тавсиялар”га мувофиқ аниқланади.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатларни аниқлаш тартиби ШНҚ 4.01.16 -09нинг 4.12, 5.11, 6.7 бандларида берилган.

Лойиҳалаштирилаётган корхоналар, бинолар, иншоотлар ёки уларнинг навбатлари қурилишининг нархини аниқлаш учун локал ресурслар рўйхатларидан, объект ресурс рўйхатларидан, ишлар ҳажми рўйхатидан ташкил топган йиғма рўйхат тузилади.

Локал ресурслар рўйхатлари бирламчи ҳужжатлар бўлиб, ишчи лойиҳа, ишчи ҳужжатлар (ишчи чизмалар) ишлаб чиқиш жараёнида аниқланган ҳажмларга асосланган бино ва иншоотлар бўйича алоҳида ишлар ва харажатлар ёки умуммайдон ишлари учун алоҳида тузиладилар.

Объект ресурсларининг рўйхатлари ўз таркибида объект учун локал ресурслар рўйхатларидаги кўрсаткичларни бирлаштирадилар ва смета ҳужжатлари бўлиб ҳисобланадилар, уларга асосланган ҳолда объектлар қурилишининг шартномавий жорий нархлардаги баҳоси бўйича буюртмачи ва пудратчи ўртасида ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

Корхона, бино, иншоотлар (ёки уларнинг навбатлари) қурилишининг йиғма ресурс рўйхатлари янги қурилаётган, кенгайтирилган, реконструкция қилинаётган, қайта техник жиҳозланаётган корхоналар, бинолар ва иншоотлар учун объект ресурс рўйхатлари асосида тузиладилар.

Корхона, бино ёки иншоот қурилишида атроф муҳит муҳофазаси бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши кўзда тутилган бўлса, у ҳолда ресурслар ва атроф муҳит муҳофазаси бўйича рўйхат тузилади.

Қурилиш конструкциялари ва ишлари ёки ускуналар монтажи учун умумқурилиш ресурс сметалари бўлмаган ҳолатларда лойиҳа (ишчи лойиҳа) таркибида конструктив элементлар ва қурилиш ишларининг турлари ҳамда ускуна монтажи учун якка тартибда ресурс нормалари ишлаб чиқилади ва ШНҚ 4.01.01-04 “Қурилиш нархларини шакллантириш учун ресурс норматив ҳужжатлар тизими”да белгиланган тартибга мувофиқ лойиҳа таркибида тасдиқланади.

Қурилиш ва монтаж ишларининг айрим турлари учун локал ресурс рўйхатлари, шунингдек ускуналар сонининг ҳисоби қуйидаги маълумотлар асосида тузилади:

бино, иншоотлар ва уларнинг қисмлари ҳамда конструктив элементларининг ишчи чизмалар бўйича қабул қилинган параметрлари;

ишчи чизмалар бўйича белгиланадиган қурилиш ва монтаж ишлари ҳажмининг рўйхати бўйича қабул қилинган ишлар ҳажми;

буюртма спецификациялар, рўйхатлар ва ишчи чизмалар бўйича қабул қилинган ускуна, мебель ва инвентарь номенклатураси ва сони;

ишларнинг тури, конструктив элементлар, шунингдек ускуна, мебель ва инвентарлар учун амалдаги ресурс смета нормативлар.

Қабул қилинган техник ечимлар бўйича локал ресурс рўйхатлари тузилаётганида амалдаги смета нормативлари ёки ресурсларга бўлган эҳтиёжларни белгилаш усулларининг танлови қуйидаги шартлардан келиб чиққан ҳолда бажарилади:

агар ишчи чизмалар бўйича рўйхатлар тузиш учун мўлжалланган йириклаштирилган ресурс смета нормалари (ЙРСН) мавжуд бўлса, у ҳолда ана шу йириклаштирилган ресурс смета нормалари қабул қилинади;

агар йириклаштирилган ресурс смета нормалари бўлмаса, лекин намунавий ва қурилишнинг маҳаллий шароитларига мос ва иқтисод нуқтаи назарида самарали ҳисобланган қайта қўлланилувчи якка тартибдаги лойиҳаларнинг ресурс сметалари бўлса, у ҳолда айнан шу ресурс смета нормативлари қабул қилинади;

агар йириклаштирилган ресурс смета нормалари, шунингдек намунавий ва қурилишнинг маҳаллий шароитларига мос ва иқтисод нуқтаи назарида самарали ҳисобланган қайта қўлланилувчи якка тартибдаги лойиҳаларнинг ресурс сметалари бўлмаса, у ҳолда қурилиш конструкциялари ёки қурилиш ва монаж ишларининг айрим турлари учун мувофиқ тўпламлардаги ресурс смета нормалари қабул қилинади.

Қурилиш ишларининг айрим турлари, ихтисослашган пудратчи қурилиш ва монтаж ташкилотларининг лойиҳа ҳужжатларининг тузилмасидаги ўзига хос

хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда локал ресурс рўйхатлар қуйидагилар учун тузилади:

1) бино ва ишоотлар бўйича:

қурилиш ишлари, махсус қурилиш ишлари, ички санитария-техника ишлари, ички электр ёритиш, электр кучланиш ускуналари, технологик ва бошқа турдаги ускуналар, назорат-ўлчов асбоблари (НЎА), кам токли қурилмалар (алоқа, сигнализация ва ҳк.), мосламлар, мебель, инвентарь сотиб олиш ва бошқа ишлар;

2) умуммайдон ишлари бўйича:

вертикал режалаштириш, муҳандислик тармоқларини ўрнатиш ва йўлларни ташкил этиш, территорияни ободонлаштириш, кичик меъморий шаклларни жойлаштириш ва бошқалар.

Локал ресурс рўйхатларда маълумотлар бино (иншоот)нинг алоҳида конструктив элементлари, ишларнинг турлари ва тузилмалар бўйича гуруҳларга ажратилади. Гуруҳларга ажратиш тартиби ишларнинг технологик кетма-кетлигига мувофиқ бўлиши ва қурилишнинг айрим турларининг специфик хусусиятларини ҳисобга олиши керак. Ушбу тартиб идоравий норматив ҳужжатлар билан белгиланиши лозим. Бунда бино ва иншоотлар бўйича бажариладиган ишлар ер ости (“ноль цикли” ишлари) ва ер усти қисмларга бўлиниши мумкин.

Гуруҳларга ажратишнинг юқорида баён этилган принципига кўра:

қурилиш ишлари учун локал ресурс рўйхати қуйидаги бўлимлардан иборат бўлиши мумкин: ер ишлари; пойдеворлар ва деворнинг ер ости қисмлари; деворлар; каркаслар; ораёпмалар; пардеворлар; поллар ва заминлар; том қопламлари ва ёпмалари; очиқ ўринларни тўлдириш; зинапоялар ва майдончалар, пардозлаш ишлари; турли ишлар (пешайвон, ташқи девор атрофи тўшамаси ва бошқалар) ва ҳк.;

махсус қурилиш ишлари учун локал ресурс рўйхатида қуйидаги бўлимлар бўлиши мумкин: ускуналар учун пойдеворлар; махсус заминлар; канал ва чуқурчалар; обмуровка (ҳимоя қатлами), футеровка ва изоляция; кимёвий ҳимоя қатламлари ва ҳк.;

ички санитария-техника ишларининг локал ресурс рўйхати қуйидаги бўлимлардан иборат бўлиши мумкин: сув қувурлари, канализация, иситиш тизими;

вентиляция ва ҳавони совитиш ва ҳк.

ускуналарни ўрнатиш учун локал ресурс рўйхатида қуйидаги бўлимлар бўлиши мумкин: технологик ускуналарни сотиб олиш ва монтаж қилиш; технологик қувурлар; металл конструкциялар (ускуналарни ўрнатиш билан боғлиқ) ва ҳк.

Локал ресурс рўйхатлари Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитаси томонидан белгиланган, Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитасининг 12.12.2003 й. 74-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Қурилиш ва монтаж ишлари учун ресурс ҳисоблари (сметалари)ни тузиш бўйича услубий тавсияномалар”ида кўрсатилган шакллар бўйича тузилади.

Лойиҳада белгиланган маълумотларга кўра қайта фойдаланиш учун яроқли конструкция, материаллар ва маҳсулотлар ёки йўл-йўлакай қурилиш учун зарур бўлган айрим материаллар (тош, шағал ва бошқалар) олиниши учун

конструкцияларни (металл, темирбетон ва бошқа) қисмларга ажратиш, бино ва иншоотларни бузиш бажарилаётган бўлса, бино ва иншоотларни қисмларга ажратиш, бузиш (кўчириш) ва бошқа ишлар бўйича локал смета якунларига асосланган ҳолда, капитал маблағлар киритилишини камайтирувчи қайтарма ресурслар маълумотнома асосида келтирилади.

Қайтарма ресурслар алоҳида сатрда "Шу жумладан қайтарма ресурслар" деб кўрсатилади ва келгусида фойдаланиш учун олинадиган конструкция, материал ва маҳсулотлар номенклатура ва сони бўйича якуний смета асосида белгиланади. Бу каби конструкция, материал ва маҳсулотларнинг нархи бозор нархлари ва эскириши, шунингдек уларни яроқли ҳолатга келтириш ва омборга олиб келишга сарфланган харажатлар ҳисобга олинган ҳолда, буюртмачи томонидан, комиссия асосида, белгиланади. Кўрсатилган қайтарма ресурслар нархига пудратчининг бошқа харажатлари қўшилади.

Йўл-йўлакай олинган материалларнинг нархи, агар уларни амалга оширилаётган қурилишда ишлатишнинг имкони бўлмай туриб, лекин келгусида сотиш имконияти бўлса, тайёрлашнинг франко-жойи (маҳаллий материаллар ва қазилмалар учун франкокарьер; ўрмон кесилишида олинадиган ёғоч учун франко-дарахт кесилаётган участка ва ҳк.) нархлари бўйича белгиланади.

Агар (керакли ҳужжатлар билан тасдиқланган) бузишдан ҳосил бўлган ёки йўл-йўлакай қазиб олинган материаллардан фойдаланиш ёки сотиш имкони бўлмаса, уларни баҳоси қурилиш баҳосида ҳисобга олинмайди.

Асосий фондларда рўйхатга олинган ва демонтаж қилиниб, кенгайтирилаётган, реконструкция қилинаётган ёки қайта техник жиҳозланаётган корхона чегарасида қурилаётган бинога кўчирилиши мўлжалланаётган ускуналардан фойдаланишда локал ресурс рўйхатларида фақат ушбу ускунанинг демонтажи ва қайта монтажи бўйича ресурслари кўрсатилади, ресурс рўйхати якунлари учун эса, тасдиқловчи инстанция ҳамда лойиҳа (ишчи лойиҳа)нинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини белгилаш учун ушбу ускунанинг рўйхати ва балансда қайд этилган нархи, қайта техник жиҳозланиш учун белгиланган нарх бундан истисно, маълумотнома асосида кўрсатилади.

## 4-мавзу. Асосий иш хақи харажатлари ва уларни шакллантиришга таъсир қилувчи омиллар

**4.1. Иш ҳақи тушунчаси ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизими**

**4.2. Иш вақти фонди**

### 4.1. Иш ҳақи тушунчаси ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизими

Иш ҳақи ёлланма ходим даромадининг элементи, унга тегишли ишчи кучига бўлган мулкчилик ҳуқуқини иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқариш шаклидир.

Иш ҳақининг асосий элементи – унинг ставкасидир. Иш ҳақининг ставкаси шартномада белгилаб қўйилади ва муайян вақт бирлиги ичида бажариладиган ва муайян касб-малака хусусиятларига эга бўлган меҳнатга тўланадиган ҳақ даражасини белгилаб беради

Иш ҳақини тартибга солиш механизмида бошланғич база сифатида унинг энг кам миқдори (минимал иш ҳақи) намоён бўлади, у оддий, кам малакали меҳнат билан банд бўлган ходимларнинг такрор ҳосил қилиниши учун нормал шарт-шароитлар яратиши лозим.

Корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этишнинг асосий элементлари - меҳнатни нормалаш, тариф тизими, иш ҳақининг шакллари ва тизимларидир. Ҳар бир элемент қатъий белгиланган вазифасига эгадир.

Меҳнатни нормалаш - бу илмий асосланган меҳнат харажатларини ва унинг натижаларини: вақт нормалари, сони, хизмат кўрсатишнинг бошқарилиши, маҳсулот ишлаб чиқариш нормаланган топшириқлари нормаларини аниқлашдир. Булар бўлмаса, меҳнат миқдорини, ҳар бир ходимнинг умумий натижаларга қўшган алоҳида ҳиссасини ҳисобга олиб бўлмайди.

Иш ҳақининг шакллари ва тизимлари - бу меҳнатнинг миқдор натижалари ва сифатига (унинг мураккаблиги, интенсивлиги, шарт-шароитларига) боғлиқ равишда иш ҳақини белгилаш механизмидир.

Тариф тизими турли норматив материаллар мажмуидан иборат бўлиб, улар ёрдамида корхонадаги ходимларнинг иш ҳақи даражаси уларнинг малакасига, меҳнат шароитларига, корхоналар ўрнашган жўғрофий жойи ва бошқа тармоқ хусусиятларига қараб белгиланади. Тариф тизимининг асосий элементларига тариф сеткалари, тариф ставкалари, тариф-малака маълумотномалари, лавозим маошлари, хизматчилар лавозимларининг тариф маълумотномалари, тариф ставкаларига устама ва қўшимча ҳақлар, иш ҳақига доир минтақавий малака коэффициентлари киради.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари тушунчаси ва уларнинг таснифи.

Иш ҳақининг барча тизимларини иш ҳақининг шакллари деб аталувчи иккита катта гуруҳга бўлиш қабул қилинган.

Агар меҳнат натижаларининг асосий ўлчови сифатида тайёрланган маҳсулот (кўрсатилган хизмат)дан фойдаланиладиган бўлса, у ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай шакли ҳақида гап юритилади.

Агар бундай ўлчов сифатида ишланган вақт миқдоридан фойдаланилса, бундай ҳолда вақтбай иш ҳақи тўғрисида гап боради. Демак, иш ҳақининг шакли - ҳақ тўлаш тизимларининг муайян тоифасидан иборат бўлиб, иш ҳақ тўлаш мақсадида унга нарх белгилашда меҳнат натижаларини ҳисобга олиш асосий кўрсаткичи бўйича гуруҳларга ажратилган бўлади.

**Иш ҳақининг ишбай ва вақтбай тизимларини қўллаш.** Меҳнатга ҳақ тўлашнинг оддий тизимлари. Бу тизимлар ишчиларнинг иш ҳақини меҳнат натижаларини ҳисобга олишнинг фақат бир кўрсаткичига: иш вақтига ёки бажарилган қурилиш ишлари миқдорига қараб шакллантиради.

Оддий вақтбай тизим ходимнинг маошини унинг тариф ставкасига ва амалда ишлаган вақтига қараб шакллантиради. Шунга мувофиқ ҳолда соатбай, кунбай ва ойлик тариф ставкалари қўлланади. Оддий вақтбай ҳақ тўлашда ишланган вақт миқдори билан маош ўртасидаги алоқа пропорционал характерга эга бўлади.

Оддий ишбай ҳақ тўлашда ишчининг маоши тайёрланган маҳсулот (бажарилган иш) бирлигига тўланадиган ҳақ миқдоридан иборат бўлган ишбай белгиланган нархга ва ана шу маҳсулот миқдорига боғлиқ бўлади. Амалиётда меҳнатга ҳақ тўлашнинг бевосита индивидуал, жамоа (бригада), аккорд, билвосита, ишбай-прогрессив, ишбай-регрессив тизимлари қўлланиши мумкин.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг аккорд тизими шуниси билан ажралиб турадики, унда айрим операциялар ёки иш турларининг бажарилишига эмас, балки аккорд топшириққа кирадиган ишларнинг муайян комплекси бажарилишига ҳақ тўланади.

Ишбай-прогрессив ҳақ тўлашнинг ўзига хос унсурлари ишбай нормаларни бажаришнинг бошланғич даражасидан (расценканинг кўпайиши шундан бошланади (база)) ҳамда нормаларни бошланғич базадан муайян даражада ошириб бажарилганида ишбай расценканинг кўпайиш миқдорини кўрсатувчи прогрессив қўшимчалар шкаласидан иборат.

## 4.2. Иш вақти фонди

Ходим иш тартиби ёки графигига ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт иш вақти ҳисобланади.

Иш вақтининг нормал муддати. Ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас. Олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ортиб кетмаслиги лозим.

Корхонада иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий қилинган тақдирда Меҳнат Кодексининг 123-моддасида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

**Тўлиқсиз иш вақти.** Ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан ишга қабул қилиш чоғида ҳам, кейинчалик ҳам тўлиқсиз иш куни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгилаб қўйилиши мумкин.

Иш берувчи Меҳнат Кодекси 229-модда, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда ходимнинг илтимосига кўра тўлиқсиз иш вақтини белгилаб қўйиши шарт.

Тўлиқсиз иш вақти шарти билан ишлаш ходимнинг йиллик асосий меҳнат таътилининг муддатини, меҳнат стажини ҳисоблашни ҳамда бошқа меҳнат ҳуқуқларини бирон бир тарзда чеклашга асос бўлмайди ва ишланган вақтга ёки ишлаб чиқарилган маҳсулотга мутаносиб равишда ҳақ тўланади.

**Иш ҳафтасининг турлари. Иш вақти режими.** Иш ҳафтасининг тури (икки кун дам олинадиган беш кунлик иш ҳафтаси ёки бир кун дам олинадиган олти кунлик иш ҳафтаси) ва иш вақти режими (кундалик иш вақтининг (сменанинг) муддати, ишнинг бошланиш ва тугаш вақти, ишдаги танаффуслар вақти, сутка давомидаги сменалар сони, иш кунлари ҳамда ишланмайдиган кунларнинг навбат билан алмашиниши, ходимларнинг сменадан сменага ўтиш тартиби) корхонада ички меҳнат тартиби қоидалари, бошқа локал норматив ҳужжатлар билан, бу ҳужжатлар бўлмаганда эса, - ходим билан иш берувчининг келишувига биноан белгиланади.

Ходимни сурункасига икки смена давомида ишга жалб этиш тақиқланади.

Байрам (ишланмайдиган) кунлари арафасида кундалик иш (смена) муддати барча ходимлар учун камида бир соатга қисқартирилади.

**Тунги вақтдаги ишнинг муддати.** Соат 22-00 дан то соат 6-00 гача бўлган вақт тунги вақт деб ҳисобланади. Агар ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатининг камида ярми тунги вақтга тўғри келса, тунги иш вақти муддати бир соатга, иш ҳафтаси муддати ҳам шунга мувофиқ равишда қисқартирилади.

Ишлаб чиқариш шароитларига кўра зарур бўлган ҳолларда, хусусан ишлаб чиқариш узлуксиз бўлган жойларда, шунингдек бир кун дам олинадиган олти кунлик иш ҳафтаси шароитида смена бўлиб ишланаётган жойларда тунги иш муддати кундузги иш муддатига тенглаштирилади.

**Иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш.** Ҳисобга олинадиган даврдаги иш вақтининг муддати иш соатларининг нормал миқдоридан ошиб кетмайдиган шарт билан корхонада иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш жорий қилиниши мумкин. Бунда ҳисобга олинадиган давр бир йилдан, кундалик иш вақтининг (сменанинг) муддати эса ўн икки соатдан ортиб кетмаслиги лозим. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни қўлланиш тартиби, шунингдек ҳисобга олинадиган давр мобайнида ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдорини тенглаштиришга қаратилган чора-тадбирлар жамоа шартномасида белгиланади, агар у тузилмаган бўлса, -

иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

### 4.3. Қурилишнинг бошланғич баҳосини жорий нархларда аниқлашда иш ҳақи учун сарфланадиган харажатлар

Иш ҳақи учун сарфланадиган харажатлар объект қурилишининг норматив меҳнат сарфини 1 киши-соат кўрсаткичининг жорий нархига (сўм) ва ижтимоий суғуртага ажратиладиган тўловларни ҳисобга олувчи коэффициентга кўпайтириш йўли билан қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

**Сзп = Т х Сч х Кcс**

бу ерда:

**Т** – объект қурилишининг норматив меҳнат сарфи, ресурс сметаси бўйича аниқланади, киши-соат;

**Сч** – ишчиларнинг бир соат учун ўртача иш ҳақи, объектнинг дастлабки баҳосини аниқлашда, минтақа бўйича қурувчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақининг миқдори асосида ҳисобланади;

**Ксс** – ижтимоий суғуртага ажратиладиган тўловлар миқдорини ҳисобга олувчи коэффициент.

Бир соат учун ўртача иш ҳақи қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

**Сч = Змс : Ф**

бу ерда:

**Змс** – аввалги 12 ой учун статистика маълумотлари асосида аниқланган қурувчиларнинг минтақа бўйича ўртача ойлик иш ҳақи, сўм/ой;

**Ф** – Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотлари бўйича ишчи вақтининг соатда берилган ўртача ойлик фонди.

**Танлов савдоларида қатнашиши** учун пудратчи ташкилотлари томонидан қурилиш баҳосини жорий нархларда аниқлашда, иш ҳақи бўйича харажатларни аниқлаш, талабгор (пудратчи) томонидан киши/соат бўйича нарх аввалги 12 ой давомида ўртача ойлик иш ҳақининг шаклланган миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Пудратчи ташкилотларни **танлов савдоларини ўтказмасдан** танлашда объект баҳосини шартномавий жорий нархларда аниқлашда, иш ҳақи бўйича харажатларни аниқлаш пудратчи ташкилот бўйича киши/соат нархидан фойдаланиб, аввалги 12 ой давомида ўртача ойлик иш ҳақининг шаклланган миқдоридан келиб чиққан ҳолда бажарилади.

Қурилишнинг меъёрий муддатидан ва ишларнинг меҳнат талаб қиладиган ҳажмидан ва иш ҳақининг соатига ўртача миқдоридан келиб чиққан ҳолда қуйидаги формула бўйича:

**Оз = Тч/ч х Сч/ч**

Бу ерда,

**Тч/ч** - объект қурилиши талаб қиладиган меҳнат сарфланиши

**Сч/ч** - пудрат ташкилотининг маълумотларига кўра иш ҳақининг соатига ўртача миқдори

Иш ҳақининг соатига ўртача кўрсаткичи Ўзбекистон Республикасининг ҳудудлари бўйича (статистик ҳисоботларга мувофиқ) "қурилиш" соҳаси бўйича ёки ташкилотда ўтган йилда ҳақиқатдан шаклланган иш ҳақининг ўртача миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

**I вариант**

Иш ҳақининг соатига ўртача миқдори қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

**Сч/ч = Зср : 365 (366 -В-П-П х 1 : 8) : 8 х 12 х Крв,**

Бу ерда,

**365 (366)** - йилдаги кунлар сони;

**В** - йилдаги дам олиш кунлар сони;

**П** - йилдаги байрам кунлар сони;

**П х 1 : 8** - иш вақти бир соатга қисқартиришни ҳисобга олинган йилдаги байрам кунлар сони;

**Крв** - режалаштирилаётган йилда иш ҳажми ўсишидан келиб чиққан ҳолда иш ҳақи ўсишини ҳисобга оладиган коэффициенти;

Коэффициент қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

**Крв = 1 + (Вп : Вф) х 0,85, шу ерда**

Бу ерда,

**Вп** - режалаштирилаётган йилда иш ҳажми;

**Вф** - ўтган йилда асл иш ҳажми;

**0,85** - иш ҳажми ўсишининг ҳар бир фоизига иш ҳақи ўсишининг директив коэффициенти;

**II вариант**

Иш ҳақининг соатига ўртача миқдори қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

**Сч/ч = Зср : (Фрв : 12) х Крв**

Бу ерда,

**Сч/ч** - иш ҳақининг соатига ўртача миқдори;

**Зср** - ташкилот бўйича ўтган йилдаги иш ҳақининг соатига ўртача миқдори;

**Фрв** - йилдаги иш вақтининг ҳажми;

**Крв** - режалаштирилаётган йилда иш ҳажми ўсишидан келиб чиққан ҳолда иш ҳақи ўсишини ҳисобга оладиган коэффициенти (коэффициент I вариантга ўхшаб ҳисобланади).

## 5-мавзу. Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари харажатлари. Ускуналар, мебель ва инвентарлари харажатлари.

**5.1.Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари харажатлари**

**5.2. Ускуналар, мебель ва инвентарлари харажатлари.**

### 5.1.Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари харажатлари

Қурилиш материаллари, маҳсулотлари, конструкциялари, ускуналар, мебель ва инвентарь учун сарфланадиган харажатлар транспорт, тайёрлаш-омборда сақлаш харажатлари ва импорт материаллар, ускуна, мебель ва инвентарь учун қонунчиликда белгиланган божхона тўловларини қўшиб ҳисобланган ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи) корхоналарнинг нархлари қўлланилиб лойиҳа спецификацияларига мувофиқ тарзда тузилган ресурс рўйхатларга асосланиб ёки мазкур ҳудудда шаклланган нархлар мониторинги асосида тузиладиган маълумотлар банки бўйича аниқланади.

Ҳар хил қурилиш материаллари (буюмлар, конструкциялар)нинг ўртача қиймати тайёрловчи заводларнинг улгуржи сотиш нархлари, қурилиш материаллари биржалари ва ярмаркаларидаги нархлар, "Давархитектқурилиш" қўмитаси томонидан чиқариладиган каталоглар, "Давархитектқурилиш" қўмитасининг нарх белгилаш бўйича минтақавий марказлари маълумотлари асосида аниқланади.

Қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ белгиланган қурилиш материаллари (буюмлар, конструкциялар) нархлари тайёрловчи заводларнинг улгуржи нархларини, идишларга харажатларни, транспорт харажатларини, таъминот-сотиш ташкилотларининг устама нархларини ўз ичига олади.

Транспорт харажатларини "Давархитектқурилиш" қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган Юкларни қурилиш учун ташишга ҳисоб-китоб жорий нархларини аниқлаш бўйича методик тавсиялар асосида ҳисоблаб чиқиш тавсия қилинади.

### 5.2. Ускуналар, мебель ва инвентарлари харажатлари.

Жамоат ва маъмурий бинолар смета-ресурс нормаларида ҳисобга олинган асбоб-ускуналарга, комплект типовой технологик ва лаборатория асбоб-ускуналари, аппаратуралар ва асбоблар киради, уларнинг таркиби ва тавсифномаси қоида бўйича нормаларни ҳаракати давригача ўзгармас ҳолда қолади.

Кўрсатилган бинолар инвентарларга қуйидагилар киради:

а) ишлаб чиқариш инвентари, яъни ишлаб чиқаришга оид предметлар, улар технологик жараёнларни (ишчи столлар, верстаклар, асбоб-ускуналар, меҳнатни муҳофаза этиш учун хизмат қилувчи шкафлар, стеллажлар ш.ўх) енгиллатиш ва уни бажариш учун шароит яратишади.

б) хўжалик предметлари, яъни идора ва бошқа мебел ва жиҳозлаш (столлар, стуллар, шкафлар, вешалкалар, гардероблар ва ш.ўх) ҳамда хўжалик ва хизматга мўлжалланган предметлар ва хоналарни йиғиштириш ёнғинга қарши инвентарлар, оргтехника воситалари ва бошқалар.

Намунавий асбоб-ускуналар ва инвентарлар таркибида, шу билан бирга ресурс – смета нормаларида қуйидагилар кўрсатилмайди:

қурилиш – монтаж ишлари таркибида киритилган мебел қурилмалари;

ички хоналарини қимматбаҳо предметлар (гиламлар, расмлар ва ҳ.к.) жиҳози;

маиший – хўжалик аҳамиятига эга майда предметлар ва юмшоқ инвентарлар (овқатланиш идишлари, канцелярия ашёлари ва ҳ.к.);

хизмат кўрсатиш ходимлари учун махсус кийимлар, янги тузилаётган кутубхоналарни, китоб фонди ва ҳ.к.

Айрим ҳолларда, ўрнатилган тартибда рухсатнома бўлса, ресурс смета нормаларига юмшоқ ва майда инвентарларни киритилишига йўл қўйилади.

Ресурс нормалари бутун бир объектга айрим махсус хоналарни нормаларини ажратиб кўрсатилган ҳолда кўрсатилиши лозим. Ресурс смета нормаларида, шунингдек қабул этилган ўлчов бирлиги кўрсаткичлари ҳам кўрсатилади (ўрин, ўқувчи ва ҳ.к.).

Ҳар бир ресурс нормалари тўпламлари таркибида, янги қурилиш ва ҳаракатдаги объектларни таъмирлаш, кенгайтириш ресурс смета ҳужжатларидан фойдаланиш тартиби ва шартлари тўпламнинг техник қисмида белгилаб берилган.

Ресурс нормалари Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” томонидан тасдиқланиб, республика смета нормалари деб аталади.

Ресурс смета нормалари тўпламларини рўйхати 1 иловада берилган

Янги қурилаётган ҳамда кенгайтирилаётган ва таъмирланаётган жамоат ва маъмурият мақсадига мўлжалланган объектларни дастлабки асбоб-ускуналар ва инвентарлар билан жиҳозлаш ресурс сметалари, амалдаги ресурс смета нормалари тўпламлари асосида ушбу мақсад учун тузилиб, тегишли бутун бино учун, қабул этилган ўлчов бирлиги кўрсаткичлари (ўрин, ўқувчи ва ҳ.к.) асосида тузилади.

Ҳаракатдаги объектларни кенгайтириш ресурс смета ҳужжатлари тузишда ресурс смета нормалари кўрсаткичларини ўсишидан қабул этилган кенгайтириш лойиҳаларини, яъни қўшимча ўлчов бериш миқдоридан фойдаланилади.

Ресурс смета нормаларининг намунавий рўйхатида инвентарлар, асбоб-ускуналарни тури, маркаси кўрсатилмаган бўлса, буюртмачи уларни бошқаларига алмаштиришга ҳақлидир, агар улар лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган асбоб-ускуналар ва инвентарлар вазифасини бажара олса.

**5.1-жадвал.**

**Жамоат ва маъмурий бинолар асбоб-ускуналари ва инвентарларнинг ресурс смета нормалари тўпламлари**

**Рўйхати**

| Тўпламлар | Тўпламлар номи |
|---|---|
| | **Даволаш ва профилактика объектлари:** |
| 2 | Санаторийлар, дам олиш ва туризм муассасалари |
| 4 | Туғруқхоналари |
| 5 | Кўп ихтисосли касалхоналар |
| 6 | Амбулатория – поликлиника муассасалари |
| 7 | Болалар касалхоналари |
| 8 | Ихтисослаштирилган касалхоналар |
| 9 | Шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам станциялари |
| | **Маданий – маърифий объектлар:** |
| 21 | Клублар, маданият уйлари, театрлар, цирклар |
| 22 | Кинотеатрлар |
| 23 | Кинематография объектларининг ёрдамчи хизматлари. Фильм базалари. |
| | **Маиший хизмат кўрсатиш объектлари:** |
| 31 | Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари |
| 32 | Ҳаммомлар |
| | **Савдо ва умумий овқатланиш объектлари:** |
| 41 | Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари |
| | **Ўқув юртлари объектлари:** |
| 51 | Умумтаълим мактаблари ва мактабларнинг ҳузуридаги интернатлар |
| 52 | Касб-ҳунар колледжлари ва академик лицейлар |
| 53 | Болалар мактабгача муассасалари |
| 55 | Болалар уйлари ва мактаблар – етим болалар, ота-оналарининг васийлигисиз қолган болалар учун интернатлар |
| 56 | Олий таълим ўқув юртлари |
| | **Коммунал объектлар:** |
| 61 | Биринчи, иккинчи ва юқори А ва Б даражали меҳмонхоналар |
| | **Транспорт объектлари:** |
| 71 | Фуқаро авиацияси объектлари |
| 72 | Йўловчиларга хизмат кўрсатадиган автомобил шох бекатлари ва автовокзаллар |
| | **Маъмурий объектлар:** |
| 81 | Маъмурий бинолар |

## Ўз-ўзини синаш саволлари

**6-мавзу. Объект қурилиши қийматини аниқлашда машина ва механизмлардан фойдаланиш харажатларини шакллантириш**

**6.1. Қурилиш машина ва механизмлардан фойдаланиш харажатларини шакллантириш смета ресурс нормалари**

**6.2. Объектнинг жорий нархлардаги дастлабки баҳосини аниқлашда машина ва механизмлар эксплуатацияси учун сарфланадиган харажатларини аниқлаш**

## 6.1. Қурилиш машина ва механизмлардан фойдаланиш харажатларини шакллантириш смета ресурс нормалари

Қурилиш машина ва механизмларидан фойдаланиш смета ресурс нормалари тўплами жорий нархда машина-соат баҳосини ҳисобли аниқлашда қўлланилади ва муқаррар тартибда қурилишни давлат бюджети маблағининг ҳамма босқичида ва мақсадли бюджет фондларида ишлатилади. Агар қурилиш бошқа манбалар орқали молиялаштирилса кўрсатилган машиналардан фойдаланиш смета ресурс нормалари тавсиявий характерга эга.

Машиналардан фойдаланиш смета ресурс нормалари мазкур машинанинг асосий техник ўлчамлари (экскаваторлар учун ковш ҳажми, бульдозерлар учун қуввати, кранлар учун юк кўтариш қобилияти)ни дифференциациялаш, ўлчов хиллари ва гуруҳлар бўйича ишлаб чиқилган. смета ресурс нормалари машиналарни маркаси, ўлчов хилларининг гуруҳларини ўртача ўлчов бўйича ташкил этилган.

Смета ресурс нормалари дифференциациялашган, ўлчов хиллари гуруҳлари, қурилиш, монтаж, махсус қурилиш ишлари, технологик ускуналарни монтаж этиш ишлари, ҳамда машиналарнинг хиллари бўйича керакли бўлимларга бирлаштирилган:

- ер ишлари машиналари;
- тракторлар;
- кранлар, кўтаргичлар, трубаётқизувчилар;
- юкловчилар, автокўтаргичлар, домкратлар, лебедкалар;
- йўл ва аэродром қурилиши машиналари;
- бетон ва қурилиш қоришмаларини тайёрлаш ташиш ва ётқизиш машина-лари;
- устунқозиқ қоқиш ишлари машиналари;инженерлик коммуникацияларни таъмирлаш ва ётқизиш машиналари;
- бурғулаш ишлари машиналари;
- тоғ-кон ковлаш ишлари машиналари;
- гидротехник қурилиши машиналари;
- ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш машиналари;
- компрессорлар;
- насослар ва сув сатҳини пасайтириш ускуналари;
- кўчма электростан-циялар ва пайвандлаш учун ускуналар;
- пардозлаш учун машиналар;

- технологик авто-транспорт воситалари;
- механизациялашган қўл асбоблари;
- ишлаб чиқариш масалалари ва б.қ.

**Смета ресурс нормалари ўртача ойлик вақтини 1 машина-соатда белгилаб улардан фойдаланишни ўз ичига киритади**:

- машиналарни технологик жараённи бажаришда қатнашиш вақти, шу билан бирга автотранспорт воситаларини – механизация базасидан (қурилиш майдони) қурилиш майдонига (механизация базасига) харакатланиш вақти;
- тез ишдан чиқувчи қисмларини, кесувчи асбобларни ва ишчи ускуналарни алмаштириш вақти;
- қурилиш майдони доирасида машиналарни иш фронти бўйича харакатланиш вақти;
- қурилиш монтаж ишларини бажараётганда машина ишларини технологик танаффус вақти;
- машинани ишга тайёрлаш ва иш тугагандан сўнг уни топшириш вақти;
- ҳар ойда машиналарга техник хизмат кўрсатиш вақти;
- машинистларни иш пайтидаги танаффуси (машинистлар, экипажлар) меҳнат тўғрисидаги қонун билан чегараланади.

Смета ресурс нормаларида механизациялашган қурилиш жараёнида, лекин машиналарни бевосита бошқаришда банд бўлмаган ишчилар (такелажниклар, монтажниклар, труба ётқизувчилар)ни меҳнат сарфи ҳисобига олинмаган;

Шу билан бирга пайвандчилар, механизациялаштирилган асбоблар билан ишловчи ишчилар, ҳамда қўл кучи билан харакатланувчи механизмлар (қўл лебедкалар, домкратлар ва ш.к.) ва оддий ва маҳсус усул (лой қориш-маси комплексидан ташқарии) билан ишловчи тоғ-кон ускуналари ва машиналарга хизмат кўрсатувчи алоҳида шахсларни меҳнат сарфи ҳисобга олинмаган.

Кўчма электростанциядан электр энергия олинганда, электроэнергия харажатига фойдаланилаётган қурилиш машиналари ишлатилаётган электр станция маркаси аниқланган ҳолда тузатиш киритилади.

Смета ресурс нормалари земснарядларга, перекачка станцияларига, гидромонитор – насос – землесос ускуналари ва станцияларига, музлатгич станцияларига маълум технологик комплекс таркибига кирувчи барча комплекс машиналар харажатини ҳисобга олади.

Машиналарни техник тавсифномаси тўпламда кўрсатилгандан фарқ қилса, интерполяция ва экстрополяция усулларини қўллашга йўл қўйилади.

Импорт қурилиш машиналари ўзининг вазифаси ва техник ўлчамлари, Ушбу тўпламда кўрсатилган ўхшаш машиналарга мос келса, у ҳолда тўпламнинг керакли ресурс смета нормаси қўлланилади.

Ўхшаши бўлмаган импорт машиналар учун якка ресурс смета нормалари ишлаб чиқилади.

Бажарилган қурилиш-монтаж ишлари учун пудрат ташкилотлари ва буюртмачи орасидаги ўзаро ҳисоб китоб ушбу тўпламдаги смета ресурс нормалари жорий ҳисоб нархини аниқлаганда фойдаланилган машина-соат қўлланилади.

Ресурс смета нормалари қурилиш механизацияси бошқармаси ва қурилиш-монтаж пудратчи ташкилотлар билан ўзаро хисоб қилганда машина-соат жорий нархига белгилашда қўлланилади.

Бу ҳисоблар муайян кўрсатилган машина маркасининг норматив ресурс миқдоридан келиб чиққан ҳолда, томонларни шартнома келишуви, машинанинг ишлаш шароитини ҳисобга олиб ишлаб чиқилиши керак.

Смета ресурс нормалари ишлаб чиқариш ишларидаги ресурслар сарфини ҳисобдан чиқаришга асос бўлиб хизмат қилмайди.

Амортизацион чегирмалар, таъмирлаш ва техник хизмат харажатлари, тез ишдан чиқадиган қисмларни алмаштириш, машиналарни бир қурилиш майдони (механизация базаси)дан бошқа қурилиш майдонига кўчириб ўтиши смета ресурс нормаларида йўқ, чунки физик ресурс кўрсаткичларда ўлчанмайди ва машинанинг 1 машина-соат иши нархи Давархитектқурилишнинг 2004 йил 6 майдаги 31-сонли буйруғи билан тасдиқланган «қурилиш машина ва механизмларидан фойдаланишда жорий нархдаги хисобини аниқлаш методик тавсияномаси асосида, қурилиш техникаси қарамоғидаги ташкилотнинг илгари (базис) даврида шаклланган харажатлардан келиб чиқиб аниқланади.

## 6.2. Объектнинг жорий нархлардаги дастлабки баҳосини аниқлашда машина ва механизмлар эксплуатацияси учун сарфланадиган харажатларини аниқлаш

Объект қурилишининг дастлабки нархини аниқлашда машина ва механизмлар эксплуатацияси учун жорий нархларда сарфланадиган харажатлар қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

***Сэм = Эм х Цпр,***

Бу ерда:

**Эм** – машина ва механизмлар эксплуатациясининг соатларда берилган ҳажми;

**Цпр** – машина ва механизмлар эксплуатациясининг соат/сўм даги жорий нархлари.

Объектнинг жорий нархлардаги дастлабки баҳосини аниқлашда машина ва механизмлар эксплуатацияси учун сарфланадиган харажатларни қуйидаги асосий техник кўрсаткичлар бўйича бирлаштириб ҳисоблаш тавсия этилади:

- ер кавловчи (бир ковшли, кўп ковшли, ўзи юрар, қадам ташловчи, ротор ва ҳк.);

- юк кўтарувчи (минорали, кўприк, чорпоя, гусеницали, сузувчи кранлар, автоюкловчилар ва ҳк.);

- текисловчи механизмлар (бульдозер, скрепер, автогрейдер ва ҳк.);

- тракторлар (гусеницали, ғилдиракли);

- устун-қозиқ қоқиш техникаси;

- йўл қурилишида ишлатиладиган машина ва механизмлар;

- қувурлар ётқизилишида ишлатиладиган машина ва механизмлар;

- транспорт қурилишида ишлатиладиган машина ва механизмлар;

- пардозлаш ишларида ишлатиладиган машина ва механизмлар;

- бошқа ёрдамчи машина ва механизмлар.

Объектнинг дастлабки баҳосини аниқлашда машина ва механизмлар эксплуатациясининг жорий нархини (маш/соат) бозор коньюктурасини ҳисобга олган мониторинг ёки белгиланган тартибда ҳисоблаш йўли ёрдамида белгилаш тавсия этилади.

## 6.3. Машина ва механизмлар эксплуатациясининг жорий нархлардаги қиймати

Пудратчи ташкилотларининг (таклиф этилган нарх) танлов савдосида қатнашиш учун, қурилиш баҳосини жорий нархда аниқлашда ва пудратчи ташкилотларни танлов савдоси ўтказмасдан қурилиш баҳосини жорий нархда аниқлашда қурилиш машина ва механизмларини эксплуатация қилишнинг бир машина соат қиймати Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура қурилиш Қўмитаси Капитал қурилишда иқтисодийислоҳотлар ва нархни шакллантириш маркази томонидан ишлаб чиқилган “Қурилиш машина ва механизмларини эксплуатация қилишнинг жарий нархлар ҳисобини аниқлаш” Услубий кўрсатма, ҳамда ШНҚ 4.03.01-04 Қурилиш машина ва механизмларидан фойдаланиш смета ресурс нормалари тўплами асосида аниқланади.

Машина ва механизмлар эксплуатациясининг жорий нархлардаги қиймати қуйидаги формула билан аниқланади: соат/сўм

$$\text{Смаш.} = \text{Ао} + \text{Ззп} + \text{Збич} + \text{Зэ} + \text{Зсм} + \text{Згж} + \text{Зтр} + \text{Зп}$$

Бу ерда,

***Аяо***-Амортизация ажратмалари

***Ззп***- машинани бошқарувчининг (машинист, ҳайдовчи) нинг иш ҳақи харажатлари (ижтимоий суғуртага тўловлар билан)

***Збич***-тез ишдан чиқадига қисмларни алмаштириш харажатлари

***Зэ***-энергия харажатлари

***Зсм***-мойлаш материалларига кетадиган харажатлар

***Згж***- гидравлик ва совутувчи суюқлик харажатлари

***Зтр***-таъмирлаш ва техник хизмат кўтсатиш харажатлари

***Зп*** –машинани бир қурилиш майдонидан бошқасига кўчириш харажатлари

1) Амортизация ажратмалари қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\text{Ао} = \frac{\text{Вс x Нао}}{\text{Т x 100}}$$

Бу ерда

***Вс***-машинанинг баланс қиймати

***Нао*** - амортизация ажартмалари нормаси

***Т***-машинадан бир йиллик фойдаланиш режими, маш.-соат/йил.

***Т=(365-(52*2+Пд+Пм))*Кр*Кс***

Бу ерда

**365** - бир йилдаги кунлар;

**52** - бир йилдаги хафталар сони;

**2**- ҳафтадаги дам олиш кунлари;

***Пд***-байрам кунлари;

***Пм***-техник химзат кўртсатиш кунлари;

***Кр***-бир смена давомийлиги, соат;

***Кс*** –сменалик коэффициенти.

2**)** Машинистнинг иш ҳақи, маш/соат/сўм.

3) **Тез ишдан чиқадиган қисмларни алмаштириш харажатлари**

Тез ишдан чиқадиган қисмларни алмаштириш харажатлари қуйидаги формула билан аниқланади:

$$З_{\Sigma бич} = \frac{З_{бич\ 1} + З_{бич\ 2} + \ldots + З_{бич}}{n}, \quad (7)$$

$$З_{бич\ n} = \frac{Ц_{бич\ n} \times К_{бич\ n}}{Т_{бич\ n}}, \quad (8)$$

**7-мавзу: Қурилиш-монтаж ишларида пудратчининг бошқа харажатлари ва уни ҳисоблаш. Буюртмачининг бошқа харажатлари.**

**Режа:**

**7.1. Буюртмачи ва пудратчининг “бошқа харажатлар”ни аниқлашнинг меъёрий асослари**

**7.2. Буюртмачи “бошқа харажатлари”ни таркиби ва уларни аниқлаш тартиби**

**7.3. Пудратчининг “бошқа харажатлари”ни аниқлаш тартиби**

**7.4. Шартномавий жорий нархлардаги қурилиш нархига пудратчининг “бошқа харажатлари”ни (миқдорини) даражасини қўллаш тартиблари**

**7.5. Пудратчининг “бошқа харажатлари” да ҳисобга оланадиган харажат моддалари**

## 7.1. Буюртмачи ва пудратчининг “бошқа харажатлар”ни аниқлашнинг меъёрий асослари

Давлат бюджети ва воситалари, унга тенглашган бошқа мақсадли молиялаш фондлари, барча турдаги давлат ташкилотлари ва корхоналари молиялаш манбалари ҳисобига шартномавий жорий нархда қурилиш қийматини ҳисоблаш вақтида буюртмачи “бошқа харажатлари” миқдори (қийматини) ҳисоблаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 июндаги қабул қилинган "Марказлаштирилган капитал қўйилмалари ҳисобига рўёбга чиқарилаётган инвестиция лойиҳаларинин амалга оширишда шартномав жорий нархларга ўтиш тўғрисида"ги Қарори, “Қурилиш баҳосини шартномавий жорий нархда аниқлаш қоидалари. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш Қўмитасининг томонидан “Лойиҳа –тадқиқот ишларининг қийматини аниқлаш тартибиб тўғрисида” Низом, ҳамда “Қурилиш объектларини шартномавий жорий нархларда ҳисоблашда буюртмачи ва пудратчининг “бошқа харажатлари”ни аниқлаш бўйича услубий кўрсатма асосида аниқланади.

Шунингдек пудратчининг бошқа ахаражатларинаниқлашда юқоридаги меъёрий ҳужжатлари билан биргаликда қуйидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан фойдаланалиди:

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ва Солиқ кодекслари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги” низоми;
- Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 сентябр 395-сон “Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарори.
- Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 23.10.2002 йил 1181-сон рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия

ҳисобининг миллий стандарти (21-сон БҲМС) “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома”си ва мазкур методик тавсияларнинг 1, 2, 3, 4 иловаларида кўрсатилган ва бошқа ҳужжатларда.

### 7.2. Буюртмачи “бошқа харажатлари”ни таркиби ва уларни аниқлаш тартиби

**Буюртмачиинг “бошқа харажатлар” таркиби.** Буюртмачининг бошқа харажатлари ўз ичига қуйидаги харажатларни олади:

- лойиҳа-қидирув ишлари;
- лойиҳа (шаҳарсозлик) ҳужжатлари экспертизаси, шу жумладан экология экспертизаси;
- муаллифлик назорати;
- танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизаси, танлов савдоларини ташкиллаштириш ва ўтказиш;
- буюртмачи хизмати таъминоти, шу жумладан техник назоратни амалга ошириш;
- давлат архитектура ва қурилиш назорати (ДАҚН) хизматини таъминлаш;
- банк кредитлари ва бошқа заем воситаларини фоизларини ва улар бўйича расмийлаштириш (“фойдаланишга тайёр ҳолда”ги объект қурилиши шароитида молиялаштириш);
- ер майдони ажратиш;
- бузиб ташланган иморат ва кесиб ташланган дарахтлар ва буталар, бино ва иншоотларни кўчириш ёки бузилганлари ўрнига янги бино ва иншоотларни қуриш учун бадал;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.06.03 йил 261-сон қарори 1 иловаси 18 бандига кўра тегишли асосга эга бўлган объектларни қурилиши билан боғлиқ бошқа харажатлар.

| Харажатларнинг номи | Харажатларни аниқлаш учун тавсия этилган меъёрий ҳужжатлар |
|---|---|
| Лойиҳа-қидирув ишлари | Қурилиш объектларини лойиҳа-қидирув ишларини шартномавий жорий нархда аниқлаш тартиби тўғрисидаги низоми (15.12.2003й. 9-сон Давархитекткурилиш Қўмитаси қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 08.01.2004 й. рўйхатга олинган) Лойиҳа-қидирув ишлари учун шартнома. |
| Муаллифлик назорати | Тузилган Шартнома асосида муаллифлик назорати ўтказиш ва лойиҳа ташкилотининг хизматлари нархларини ҳисоблаш. |

| Харажатларнинг номи | Харажатларни аниқлаш учун тавсия этилган меъёрий ҳужжатлар |
|---|---|
| Лойиҳа ҳужжатларини экспертизаси, жумладан экология экспертизаси | Тузилган Шартнома асосида экспертиза ўтказиш |
| Танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш учун танлов ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш | Капитал қурилишда танлов савдоларини ташкил қилиш ўтказиш, экспертиза ва танлов ҳужжатларини тайёрлаш сарф-харажатлари тўплами (Давархитектқурилиш Қўмитаси 29.11.2000й. 71-сон буйруғи) |
| Буюртмачи хизмати таъминоти, шу жумладан, техник назоратни амалга ошириш | Молиялаштирувчи ташкилотлар томонидан ўрнатилган тартибда тасдиқланган ва рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметаси (Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябр 395-сон қарорининг 2-сон иловаси 51 банди “Марказлаштирилган манбалар ҳисобига қурилишни ташкил этиш, молиялаштириш ва кредитлаш тартиби тўғрисида низом”) |
| Давлат архитектура ва қурилиш назорати (ДАҚН) ташкилотлари таъминоти ажратмалари | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида. |
| Объект қурилиши банк кредитлари ҳисобига молиялаштиришда (ташкил этиш, мажбурият ва ш.к. учун банк комиссияси) объект қурилиши давридаги банк кредитлари фоизлари ва кредитлар билан боғлиқ бошқа харажатлар | Ҳисоб-китоб бўйича ва кредит шартномаси асосида |
| Ер майдонини ажратиш харажатлари | Амалдаги нархлар асосида, ҳисоб-китоб бўйича |
| Бузиб ташланган иморат ва кесиб ташланган дарахтлар ва буталар, бино ва иншоотларни кўчириш ёки бузилганлари ўрнига янги бино ва иншоотларни қуриш учун бадал | Амалдаги кадастр кўрсаткичлари қиймати асосида ҳисоб-китоб бўйича |

| Харажатларнинг номи | Харажатларни аниқлаш учун тавсия этилган меъёрий ҳужжатлар |
|---|---|
| Асосланган ҳолда қурилишга боғлиқ бўлган бошқа харажатлар | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.06.03 йил 261-сон қарори 1 иловаси 18 бандига кўра ҳисоб-китоб бўйича ва тасдиқловчи ҳужжатлар. |

### 7.3. Пудратчининг "бошқа харажатлари"ни аниқлаш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.06.03 й. 261-сон қарори 1 иловаси 16 бандининг 1 абзаци ва 18 банди (бошқа харажатлар) пудратчининг "бошқа харажатлари" зарурий фойдадан, шу жумладан пудрат ишлари (хизматлар) бозори конъюнктурасидан келиб чиқиб, мажбурий тўловлар ва ажратмалардан иборат бўлади.

Буюртмачи томонидан танлов савдоларини ўтказиш учун савдо танловига қўйиладиган объект қурилишининг бошланғич нархи Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг ("Қурилиш ишлари, маҳсулотлари ва хизматлари харажатлари ҳақидаги асосий кўрсаткичлар") статистика ҳисоботи бюллетенларидаги тегишли ҳудудлар бўйича пудрат ташкилотларининг "бошқа харажатлари" солиштирма миқдори кўрсаткичларига асосан юзага келади.

Савдо танлови ўтказилмай пудратчи билан тўғридан тўғри шартнома тузилган бўлса, объектни (қурилишни) шартномавий жорий нархини аниқлашда пудратчининг "бошқа харажатлари" даражаси ШНҚ 4.01.16-09 га мос равишда асосланган ҳисоб-китоб ва томонлар келишуви асосида қабул қилинади.

Пудратчининг "бошқа харажатлари" моддаларнинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 54-сон Қарори "Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низоми"га киритилган ўзгартиришлари билан мос келади.

Меъёрлаштирилган моддалар харажати бўйича харажатларни аниқлаш, амалдаги қонуний ва меъёрий актлар бўйича уларнинг миқдор қисмида аниқ белгиланган харажатларига асосан амалга оширилади.

Пудратчининг "бошқа харажатлари" даражасини аниқлаш, қабул қилинган базис кўрсаткичлари даврига мос равишда амалга оширилади (ўтган 12 ой натижалар ҳақидаги) пудрат ташкилотининг аниқ баланс кўрсаткичлари ва молиявий ҳисоботлар форма 2, корхона харажатлари форма 5-С, меҳнат бўйича форма 1-Т, ҳисобот форма 1-МБ (кичик ва микрофирмалар учун) ва ҳисобот кўрсаткичлари таҳлили асосида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

Пудратчининг "бошқа харажатлар" даражаси фоиз ҳисобида:

$$У = (Пп/Спр) \times 100$$

Бунда:

**У** – пудратчининг бошқа харажатлар даражаси (миқдори) ишлаб чиқариш таннархига нисбатан қурилиш ишлари иш бажарилган вақтига мувофиқ монтаж, таъмирлаш, ишга тушириш ва созлаш, "Фойдаланишга тайёр ҳолдаги объект ("Под ключ")"да ҳисобга олинган асбоб-ускуна монтажи нархи ҳисобга олинмаган ҳолда;

***Пп*** - мазкур методик тавсияларнинг 1, 2, ва 3 иловаларидаги харажатлар рўйхатига мувофиқ ҳолда, пудратчининг бошқа харажатлари (қиймат кўрсаткичи) иш бажарилган вақтига мос равишда аниқланади;

***Спр*** – ишлаб чиқариш таннархи иш бажарилган вақтга мувофиқ монтаж, таъмирлаш, ишга тушириш ва созлаш, "Фойдаланишга тайёр ҳолдаги объект ("Под ключ")"да ҳисобга олинган асбоб-ускуна монтажи нархи ҳисобга олинмаган ҳолда;

Пудратчининг "бошқа харажатлар" миқдорини "сўмда" аниқлаш учун фоиз даражасида:

$$Пп=Са+Спо+Нпр,$$

Бунда:

***Са*** – мазкур методик тавсияларнинг 1, 2 иловаларидаги қурилиш монтаж фаолиятига тегишли пудрат ташкилотини базис даврига мос баланс ҳисобидаги маъмурий харажатлар;

***Спо*** – мазкур методик тавсияларнинг 1, 2 иловаларидаги қурилиш монтаж фаолиятига тегишли пудрат ташкилотини базис даврига мос баланс ҳисобидаги бошқа операцион харажатлар;

***Нпр*** – шахсий айланма воситаларини кўпайтириш, машина-механизмларни модернизациялаш, асбоб-ускуналарни янгилаш, асосий фондлар объектини реконструкциялаш, моддий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган фойда, Даврхитектқурилиш Қўмитаси томонидан 10.12.03 й. 72-сон буйруғи фойданинг миқдорини аниқлаш бўйича методик тавсияларга мувофиқ равишда.

### 7.4. Шартномавий жорий нархлардаги қурилиш нархига пудратчининг "бошқа харажатлари"ни (миқдорини) даражасини қўллаш тартиблари

Қурилишнинг шартномавий жорий нархида ва бошланғич баҳосини аниқлашда (ДТИА, ДТИХ, ТИА, ТИХ, ишчи лойиҳа) лойиҳаларни амалга ошириш босқичида мазкур "Методик тавсияларнинг" 3 бўлимига мос равишда, ишнинг қурилиш, таъмирлаш, монтаж ва ишга тушириш ва созлаш турларига қараб пудратчининг "бошқа харажатлари" қиймати буюртмачи томонидан қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Пп = (См + Сзп + Сэм + Сп) \times У/100$$

Бунда:

**Пп** - бошқа харажатлар сўмда (қиймат кўрсаткичлари);

**См** – объектни қуришда, таъмирлашда, асбоб-ускунани ишга тушириш ва созлашда, қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларига сарф бўлган харажатлар;

**Сзп** - объектни қуришда, таъмирлашда, асбоб-ускунани ишга тушириш ва созлашда асосий иш ҳақи харажатлари ижтимоий суғурта тўловларини ҳисобга олган ҳолда;

**Сэм** - объектни қуришда, таъмирлашда, асбоб-ускунани ишга тушириш ва созлашда машина ва механизмларга сарф бўлган харажатлар;

**Сп** - объектни қуришда, таъмирлашда, асбоб-ускунани ишга тушириш ва созлашда ишлаб чиқаришга мансуб бошқа харажатлар ШНҚ 4.01.16-09 4.12, 5.11 ва 6.7 бандлари асосида ва улубий кўрсатманинг 4 иловасига мувофиқ аниқланади;

**У** - қабул қилинган бошқа харажатларнинг даражаси (миқдори) фоизда:

- Бошланғич баҳосини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг бюллетенларига асосан тегишли регионлар бўйича ўртачаси;

Танлов таклифи (офертлар) учун бошқа харажатларни пудрат ташкилотлари ўзига пудрат ишлари бозори конъюнктурасида келиб чиқиб, ташкилот харажатларини ҳисобга олиб аниқлайди.

Савдо танлови ўтказилмай, пудратчи билан тўғридан-тўғри шартнома тузилган объектлар учун бошқа харажатлар пудратчининг мос базис давридаги бухгалтерия баланс ҳисоботи бўйича асосли ҳисоб-китобга асосан аниқланади ва пудрат шартнома тузувчи томонлар келишувига мувофиқ, юқорида келтирилган формулага асосан:

$$Пп = (См + Сзп + Сэм + Сп) \times У/100,$$

Бунда:

***У*** - пудратчининг бошқа харажатлари фоиз ҳисобида ишлаб чиқариш таннархига нисбатан иш бажарилган даврга мувофиқ монтаж, таъмирлаш, ишга тушириш ва созлаш “Фойдаланишга тайёр ҳолдаги объект (“Под ключ”)”да ҳисобга олинган асбоб-ускуна монтажи нархи ҳисобга олинмаган ҳолда;

Қурилиш объектини шартномавий жорий нархда аниқлаш вақтида субпудратчи ташкилотлар аниқ бўлмаса қурилиш ишларини алоҳида кўринишларини бажарувчиларнинг “бошқа харажатлари”, бош пудратчининг бошқа харажатларидан ошмаган ҳолда ва мазкур методик тавсияларда назарда тутилган шартларига мос равишда бўлиши лозим.

### 7.5. Пудратчининг “бошқа харажатлари” да ҳисобга оланадиган харажат моддалари

**1. Давр сарфларидан қуйидаги модда харажатлари:**

**1.1. Маъмурий харажатлар**

1) Бошқарув ходимлари жумладан ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларга тегишли бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари:

бошқарув девони ишчилари (раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчиларга кирувчи бошқа ишчилар);

ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар: катта ишлаб чиқазувчилар (участка бошлиқлари), ишлаб чиқарувчилари, қурилиш участкалари усталари, участка механиклари;

бошқарув девонида хўжалик хизматларини амалга оширувчи ишчилар.

2) Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларидан бошқарув, ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларига тегишли бўлган ягона ижтимоий тўловлар йиғиндиси.

3) Бошқарувнинг техник воситалари, алоқа узеллари, сигнализация воситалари, ҳисоблаш марказларини ва ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган бошқарувнинг бошқа техник воситаларини сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари.

4) Телекоммуникациялар хизматлари, шу жумладан: маҳаллий тармоқлар, интернет, бунда каналларини ижарага бериш, кўчма, йўлдош ва пейжинг алоқа, радиочастота спектрида фойдаланиш, маълумотлларни узатиш тармоқлари учун ҳақ тўлаш ҳисобга олинмайди. Объект жойларида ишлаб чиқариш масалаларини ҳал қилишда кўчма, йўлдош, пейджер алоқа, радиочастота спектридан фойдаланиш зарур бўлгандаги харажатлар ҳисобга олиш мумкин.

Ўрнатилган меъёрлар чегарасида шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари учун ҳақ тўлаш.

5) Хўжалик юритувчи субъект ва унинг таркибий бўлинмаларини ташкил этиш ва уларни бошқариш харажатлари.

6) Маъмурий-бошқарув эҳтиёжлари учун бинолар ва хоналар ижараси учун ҳақ тўлаш..

7) Маъмурий аҳамиятга эга бўлган асосий воситаларни сақлаш ва уларни тузатиш, шунингдек, эскириш (амортизация) харажатлари.

8) Маъмурий мақсадлар учун фойдаланиладиган инвентарлар ва хўжалик анжомлари қийматини ҳисобдан чиқариш бўйича харажатлар ҳамда уларни белгиланган мақсадда фойдаланиш учун яроқли ҳолатда сақлаш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

9) Хизмат енгил автотранспорти ва хизмат микроавтобуслар сақлаш, ёллаш ва ижарага олиш харажатлари.

10) Ўрнатилган меъёрлар чегарасида бошқарув ходимларини хизмат сафарларига юбориш бўйича харажатлар.

11) Ўрнатилган меъёрлар чегарасида миқдордаги вакиллик харажатлари.

12) Ходимларни ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган мол-мулкни мажбурий суғурта қилиш харажатлари.

13) Бевосита ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлмаган табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятга эга бўлган жамғармаларни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жорий харажатлар, табиий атроф муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик учун компенсация тўловлари. Ўрнатилган меъёрлар чегарасида.

**1.2. Бошқа операцион харажатлардан қуйидаги харажат моддалари:**

1) Маслаҳат ва ахборот хизматларига ҳақ тўлаш.

2) Ташкилотлар учун аудиторлик хизматлари, қайсики қонунда кўрсатилган аудиторлик текширувларини ўтказиш тўловлари.

3) Хўжалик юритувчи субъектлар йўналишга тегишли кадрларни мутахассислиги бўйича тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш харажатлари.

4) Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига кўра компенсация тўловлари.

5) Бир марта бериладиган мукофотлар, йил давомидаги иш якунлари бўйича рағбатлантиришлар, узоқ муддат ишлаганлик учун рағбатлантириш ва тўловлар, шу жумладан хўжалик юритувчи субъектнинг ўз қарорига кўра натура билан тўловлар, шунингдек ягона ижтимоий тўлов суммаси, улар бўйича ҳисобланган ҳақ (Корхонанинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ва жамоат шартномаси асосида).

(фақат бошқарув ва ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларга тўловлар ҳисобга олинади, чунки ишчилар бўйича 1-Т ҳисобот ёки статорган маълумотларидан қабул қилинган ўртача ойлик иш ҳақида ҳисобга олинган).

6) Қонун ҳужжатларига ёки хўжалик юритувчи субъектнинг ўзининг қарорига мувофиқ мажбурий прогул вақти ёки паст ҳақ тўланадиган ишни бажарганлик учун ҳақ тўлаш (бошқарув ва ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар).

7) Вақтинча меҳнат лаёқатини йўқотган тақдирда қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳақиқий иш ҳақи миқдоригача қўшимча ҳақ (бошқарув ва ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар).

8) Асосий иш жойи бўйича ишчиларга, хўжалик юритувчи субъект ишчи ва мутахассисларига улар ишдан ажраган ҳолда малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш тизимида ўқиган вақтда иш ҳақи тўлаш (бошқарув ва ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар).

9) Қонун ҳужжатларига мувофиқ 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор бўлган аёлларга берилган қўшимча таътилга ҳақ тўлаш (бошқарув ва ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар).

10) Ходимларнинг (даволаниш ва дам олишга, экскурсия ва саёҳатларга йўлланмалари, спорт секцияларида тўгаракларда, клублардаги машғулотлари, маданий-кўнгилочар ва жисмоний тарбия (спорт) тадбирларига қатнашиши, (овқатланиши, йўл кираси шахсий обуна ва истеъмоли ҳамда бошқа шунга ўхшаш тўловларсиз) харажатларини қоплаш. Объектларда ишчиларнинг овқатланиш харажатларини қоплаш ҳақидаги, Ҳукумат қарорлари мавжуд бўлган холларда ҳисобга олинади.

(пудрат шартнома шартларига мувофиқ буюртмачи билан келишилган ҳолда қабул қилинади).

11) Қонунчиликка мувофиқ болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақани тўлаш бўйича харажатлар.

12) Амалдаги қонунчиликка мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлардан уларнинг қайта ташкил этилиши, ходимлар ва штатлар сонининг қисқариши муносабати билан бўшаб қоладиган ходимларга тўловлар.

13) Агар, ўрнатилган қонунчилик қоидаларида вақтинча тўхтатиб қўйиш амалга оширилса ва лойиҳада қурилиш-монтаж ҳажмларини бажарилган даврга мувофиқ вақтинча тўхтатиб қўйиш ва қайта ишга тушириш назарда тутилган бўлса, вақтинча тўхтатиб қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатлари (бошқа манбалар ҳисобига қопланадиган харажатларидан ташқари).

14) Банк ва дипозитарий хизматларига тўловлар.

15) Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган ва хўжалик юритувчи субъект харажатларига киритиладиган бюджетга мажбурий тўловлар, солиқлар, йиғимлар, давлат мақсадли жамғармаларига ажратмалар, шунингдек Ҳукумат қарорларига биноан халқаро ташкилотларга аъзолик бадалларини тўлаш.

16) Табиий офатлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулотлар ва бошқа моддий бойлиқларнинг нобуд бўлиши ва бузилиши, ишлаб-чиқаришнинг тўхташи ва бошқалар туфайли йўқотишлар) туфайли кўрилган қопланмайдиган йўқотишлар ва зарарлар, шу жумладан, табиий офатлар оқибатларининг олдини олиш ёки оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ харажатлар.

17) Янги технологиялар яратиш ва қўлланилаётган технологияларни такомиллаштириш, шунингдек илмий-тадқиқот, тажриба конструкторлик ишлари олиб бориш, ҳом ашё ва материалларнинг янги турларини яратиш билан боғлиқ маҳсулотлар сифатини ошириш харажатлари. (қурилиш-монтаж ишларини бажариш билан боғлиқ асосий воситаларни сотиб олиш уларни ўрнатиш харажатлари ва капитал характердаги бошқа харажатлардан ташқари).

18) Ишлаб чиқариш тусидаги ихтирочилик, рационализаторлик, тажриба-эксперимент ишлари олиб бориш ихтирочилик ва рационализаторлик таклифлари бўйича моделлар ва намуналарни тайёрлаш ва синаш, кўргазмалар ва кўриклар, танловларни, сертификатлаш ҳамда ихтирочилик ва рационализаторлик бўйича бошқа тадбирларни ташкил этиш, муаллифлар ҳақини тўлаш харажатлари ва бошқа харажатлар.

19) Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мувофиқ, бошқарув ва ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларининг, шунингдек ишлаб чиқариш жараёнида қатнашмайдиган, асосий ишлаб чиқаришда бошқа ходимларнинг вақтинча меҳнатга лаёқтсизлиги бўйича нафақалар тўлаш билан боғлиқ харажатлар.

**1.3. Молиявий фаолият бўйича харажатлардан:**

1) Иш ҳақи тўлови учун олинган муддати ўтмаган банк ва молия-кредит ташкилотлари кредитлари бўйича ЎзР Марказий банки номолиявий ставкаларидан ортиқ бўлмаган фоизлар. (ВМ 02.05.2004й 226-сон Қарорининг 1-иловасига асосан объектлар қурилиши жараёнида пудрат ташкилотларига берилган банк кредитлари бўйича фоиз тўловлари ҳисобга олинмайди).

2) Мол-мулкни узоқ муддатли ижарага олиш (лизинг) бўйича фоизларни тўлаш харажатлари. **(пудрат шартнома шартларига мувофиқ буюртмачи билан келишилган ҳолда қабул қилинади).**

3) Чет эл валютаси билан операциялар бўйича салбий курс тафовутлари ва зарарлари.

## 8-мавзу. Республикада марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига инвестиция лойиҳаларини шакллантириш

**8.1. Объектларни қуриш қийматини шартномавий жорий нархларда аниқлаш**

**8.2. Объектлар қурилишининг иккинчи ва кейинги йилларида шартномавий жорий нархларда қурилиш шартномавий қийматини аниқлаштириш**

### 8.1. Объектларни қуриш қийматини шартномавий жорий нархларда аниқлаш

Объект қурилиши бўйича ишлар ва хизматларнинг жорий нархлардаги шартномавий қиймати танлов савдолари (тендер) натижалари бўйича шакллантирилади.

Танлов савдолари (тендер)ни ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида объект қурилиши қиймати ресурсларга харажатларни прогнозлаштирилаётган жорий нархлар ва тарифларда калькуляция қилишга асосланган ресурс усули бўйича ҳисоблаб чиқилади.

Бунда янгидан қурилаётган, марказлаштирилган манбалар (давлат капитал маблағлари) ҳисобига молиялаштирилаётган объектлар бўйича базавий нархлардаги смета ҳужжатлари тузилмайди, ресурслар сметалари чиқариш тартиби сақланиб қолади.

Объект қурилишининг буюртмачи томонидан аниқланган бошланғич қиймати танлов савдолари (тендерлар) ўтказишда йўналиш ҳисобланади ва пудрат шартномаси (контракт) тузиш учун асос бўлиб хизмат қилмайди.

Танлов савдолари бошланғич қийматни ошкор қилмасдан ўтказилган тақдирда у танлов савдолари (тендер)нинг иккинчи босқичигача махфий ахборот ҳисобланади.

Танлов савдолари (тендер)да иштирок этаётган пудратчи ташкилотлар танлов таклифи нархини мазкур Низомнинг 10-бандида назарда тутилган тартибда ва пудрат ишлари бозори конъюнктурасидан, шу жумладан иш ҳақига харажатларни аниқлаш имкониятидан, корхонада шаклланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ва шаклидан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда аниқлайдилар.

Талабгорнинг танлов таклифи (оферта)да кўрсатилган нархи махфий ахборот ҳисобланади ва танлов савдолари (тендер)нинг иккинчи босқичигача ошкор қилинмайди.

Объект қурилиши бошланғич қийматини ва талабгор нархини белгиланган давргача ошкор этишда айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Объект қурилишининг шартномавий жорий нархи талабгорларнинг танловдаги нарх бўйича таклифларидан мақбул нархни танлаш асосида,

буюртмачининг бошланғич нархини ва танлов ҳужжатлари шартларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

"Ресурс усули"ни қўллашда физик кўрсаткичлардаги:

- асбоб-ускуналар номлари ва миқдори;
- норматив меҳнат сарфи;
- машина ва механизмлардан фойдаланиш харажатлари;
- қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкциялар номлари ва миқдори;
- бошқа харажатлар ва сарфлар аниқланади.

"Ресурс усули" бўйича объектнинг жорий нархлардаги қиймати қуйидаги формула бўйича аниқланади:

**С=(Со+См+Сзп+Сэм+Пп+Пз+Ср) х КР, бунда:**

Со - асбоб-ускуналарга, мебель ва инвентарга харажатлар;

См - қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкцияларга харажатлар;

Сзп - ижтимоий суғуртага ажратмалар ҳисобга олинган ҳолда асосий иш ҳақига харажатлар;

Сэм - машина ва механизмлардан фойдаланиш харажатлари;

Пп - бошқа харажатлар ва пудратчининг харажатлари;

Пз - бошқа харажатлар ва буюртмачининг харажатлари;

Ср - объектлар қурилишини суғурта қилиш харажатлари;

Кр - навбатдаги йилда қурилишда нарх ўсишининг прогнозлаштирилаётган индексидан келиб чиқиб аниқланадиган таваккалчилик коэффициенти.

Асбоб-ускуналар, мебель ва инвентарга харажатлар транспорт харажатларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарувчи корхоналар (етказиб берувчилар)нинг нархлари қўлланилган ҳолда спецификациялар асосида ёки нархлар мониторинги асосида шакллантириладиган маълумотлар банки бўйича аниқланади.

Қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкцияларга харажатлар мазкур минтақада шаклланган бирликка ўртача нархлар қўлланилган ҳолда тендер ҳужжатлари таркибида ишлаб чиқиладиган Йиғма ресурс ҳисоб-китобига мувофиқ амалдаги кўрсаткичлар асосида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

**См=См1+См2+См3+...+ Смn, бунда:**

См1, См2, См3, Смn - қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг айрим турлари қиймати:

**Смп = N х Цср, бунда:**

N - объект қурилиши учун талаб қилинадиган қурилиш материали (буюм, конструкция)нинг алоҳида тури миқдори;

Цср - қурилиш материали (буюм, конструкция) бирлигига ўртача нарх.

Ҳар хил қурилиш материаллари (буюмлар, конструкциялар)нинг ўртача қиймати тайёрловчи заводларнинг улгуржи сотиш нархлари,

қурилиш материаллари биржалари ва ярмаркаларидаги нархлар, "Даврархитектқурилиш" қўмитаси томонидан чиқариладиган каталоглар, "Даврархитектқурилиш" қўмитасининг нарх белгилаш бўйича минтақавий марказлари маълумотлари асосида аниқланади.

Қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ белгиланган қурилиш материаллари (буюмлар, конструкциялар) нархлари тайёрловчи заводларнинг улгуржи нархларини, идишларга харажатларни, транспорт харажатларини, таъминот-сотиш ташкилотларининг устама нархларини ўз ичига олади.

Транспорт харажатларини "Даврархитектқурилиш" қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган Юкларни қурилиш учун ташишга ҳисоб-китоб жорий нархларини аниқлаш бўйича методик тавсиялар асосида ҳисоблаб чиқиш тавсия қилинади.

Иш ҳақи харажатлари объектнинг норматив меҳнат сарфини бир киши-соатнинг жорий қийматига (сўмларда) ва ижтимоий суғуртага ажратмалар миқдорини ҳисобга олувчи коэффициентга кўпайтириш йўли билан қуйидаги формула бўйича аниқланади:

**Сзп=Т х Сч Ксс, бунда:**

Т - тендер ҳужжатлари таркибида ёки ишга туширилган объектларга ўхшаш киши-соатларда аниқланадиган объект қурилишининг норматив меҳнат сарфи;

Сч - ишчиларнинг ўртача соатлик иш ҳақи, объект қурилиши қийматини ҳисоблаб чиқишда минтақа бўйича қурувчиларнинг ўртача статистик ойлик иш ҳақи даражасидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқилади;

Ксс - ижтимоий суғуртага ажратмалар миқдорини ҳисобга олувчи коэффициент.

Ўртача соатлик иш ҳақи қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

**Сч = Змс: Ф, бунда:**

Змс - олдинги 12 ой учун статистика маълумотлари асосида бир ой учун ҳисоблаб чиқилган минтақа бўйича қурувчиларнинг ўртача йиллик иш ҳақи, ойига сўм;

Ф - Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари бўйича соатларда иш вақтининг ўртача ойлик фонди.

Объект қурилиши қийматини аниқлашда машина ва механизмлардан фойдаланиш харажатлари қиймати жорий нархларда қуйидаги формула бўйича қабул қилинади:

**Сэм = ЭМ х Цпр, бунда:**

ЭМ -машина ва механизмлардан фойдаланишнинг соатлардаги ҳажми;

Цпр -машина ва механизмлардан фойдаланишнинг соат/сўмлардаги жорий нархлари.

Машина ва механизмлардан фойдаланишнинг жорий нархларини "Даварxитектқурилиш" қўмитасининг методик тавсиялари асосида аниқлаш тавсия қилинади.

Пудратчининг бошқа харажатлари (Пп) зарур фойдадан, шу жумладан пудрат ишлари (хизматлар) бозори конъюнктурасидан келиб чиқиб шакллантириладиган мажбурий тўловлар ва ажратмалардан иборат бўлади.

Буюртмачининг бошқа харажатлари ва сарфлари (Пз) лойиҳа-қидирув ишлари, экспертиза, танлов савдолари (тендер) ўтказиш, техник назорат харажатларидан, объект қурилиши билан боғлиқ бошқа харажатлардан иборат бўлади.

Буюртмачи объект қурилиши қиймати таркибида объект қурилишини ташкил этиш, унга хизмат кўрсатиш, кузатиб бориш, қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш билан боғлиқ бошқа харажатларни ҳам ҳисобга олиши керак. (ЎзР ВМ 12.05.2004 й. 226-сон Қарори тахриридаги банд)

Буюртмачининг бошқа харажатлари объект қурилиши қийматини шакллантиришда белгиланган миқдорларда объектнинг шартномавий қийматига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, "Даварxитектқурилиш" қўмитаси марказлаштирилган манбалар (давлат капитал қўйилмалари) ҳисобига молиялаштириладиган объектлар қурилишининг бошланғич нархлари шакллантирилиши бўйича доимий мониторингни амалга оширадилар. (ЎзР ВМ 12.08.2005 й. 196-сон Қарори тахриридаги банд)

Объект қурилиши муддати бир календарь йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нарх Объектлар қурилишининг иккинчи ва кейинги йилларида шартномавий жорий нархларда қурилиш шартномавий қийматини аниқлаштириш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик низомга мувофиқ аниқланади.

### 8.2. Объектлар қурилишининг иккинчи ва кейинги йилларида шартномавий жорий нархларда қурилиш шартномавий қийматини аниқлаштириш

Танлов савдолари (тендер) натижасида жорий нархларда тузилган пудрат шартномалари (контракт) бўйича марказлаштирилган манбалар (давлат капитал қўйилмалари) ҳисобига қурилаётган қурилиш объектларининг иккинчи ва кейинги йиллар учун шартномавий жорий нархларини аниқлаштирилади.

Танлов савдолари (тендер) натижалари бўйича тузилган объектнинг қурилишини амалга ошириш пудрат шартномасига (контрактга), иш

ҳажмлари босқичлар ва бажариш муддатлари бўйича бўлинган ҳолда, ишларни амалга ошириш жадвали илова қилинади.

Ҳар йили ҳисобот йили тугаши билан буюртмачи томонидан пудратчи ташкилот билан биргаликда прогноз қилинаётган йил ва кейинги йиллар учун бажарилаётган ишларнинг (хизматларнинг) контракт бўйича қолдиқ қиймати аниқланади.

Қурилишнинг титул рўйхатини шакллантириш ва капитал қўйилмаларнинг объектлар бўйича лимитларини аниқлаш мазкур Низомга мувофиқ шартномаларда белгиланган объект қурилишининг давом этиш муддатлари ва қийматига қатъий мувофиқ бўлиши зарур.

Иккинчи ва кейинги йиллар учун қурилишнинг титул рўйхатларига ўзгартиришлар пудрат шартномаси (контракт) асосида киритилади.

Нарх омиллари бўйича индексация қилиниши лозим бўлган иккинчи йил учун пудрат ишлари (хизматлар) қиймати буюртмачилар ва пудратчи ташкилотлар томонидан қуйидаги формула бўйича аниқланади:

**О2 = (С - О1 - Пп - Н1) х К1**

Бунда:

О2 - иккинчи йил учун пудрат ишлари қиймати;

С - танлов савдолари (тендер) натижасида аниқланган объектнинг жорий нархлардаги қиймати;

О1 - ишларни бажариш жадвалига мувофиқ қурилишнинг биринчи йилидаги пудрат ишлари ҳажмининг жорий нархлардаги қиймати;

Пп - ишларни бажариш жадвалига мувофиқ кейинги йиллар учун ишлар қиймати;

Н1 - буюртмачининг олдиндан берилган аванси;

К1 - пудрат шартномаси (контракт) тузилган вақтда белгиланган объект қийматига нисбатан ҳисоблаб чиқиладиган объект қурилишининг иккинчи йили учун шартномавий нарх ўзгаришини ҳисобга олувчи коэффициент.

Нарх омиллари бўйича индексация қилиниши лозим бўлган учинчи йил учун пудрат ишлари (хизматлар) қиймати буюртмачилар ва пудратчи ташкилотлар томонидан қуйидаги формула бўйича аниқланади:

**О3 = (С - О1 - О2 - Пп - Н2) х К2**

Бунда:

О3 - учинчи йил учун пудрат ишлари қиймати;

С - объектнинг танлов савдолари (тендер) натижалари бўйича аниқланган жорий нархлардаги қиймати;

О1 ва О2 - ишларни бажариш жадвалига мувофиқ қурилишнинг биринчи ва иккинчи йиллари учун пудрат ишлари ҳажмининг жорий нархлардаги қиймати;

Пп - ишларни бажариш жадвалига мувофиқ кейинги йиллар учун ишлар қиймати;

Н2 - қурилишнинг иккинчи йилида буюртмачининг олдиндан берилган аванси;

К2 - пудрат шартномаси (контракт) тузилган вақтда белгиланган объектнинг қийматига нисбатан ҳисоблаб чиқиладиган объект қурилишининг учинчи йили учун шартномавий нарх ўзгаришини ҳисобга олувчи коэффициент.

Қурилишнинг кейинги йиллари учун объект қурилиш қиймати ҳам шу тартибда аниқланади.

К коэффициентни - қурилишнинг иккинчи йили (ва кейинги йиллари) учун шартномавий нарх ўзгаришини аниқлаш буюртмачи ва пудратчи билан биргаликда қуйидаги асосий нарх шакллантирувчи компонентлар асосида аниқланади:

а) меҳнат харажатлари (энг кам ойлик иш ҳақининг ўзгариши);

б) электр энергияси ("Ўзбекэнерго" компанияси);

в) ёнилғи-мойлаш материаллари ("Ўзбекнефтгаз" компанияси);

г) металл ("Ўзметкомбинат" бирлашмаси);

д) цемент (цемент заводлари);

е) қум (завод-карьерлар);

ж) йиғма темир-бетон буюмлари (тайёрловчи заводлар);

з) ёғоч-тахта материаллар (биржа нархлари);

и) ғишт (тайёрловчи заводлар) ва бошқа компонентлар.

Бунда компонентлар ва асосий қурилиш материалларининг турлари ҳар бир муайян объект бўйича, пудрат шартномаси (контракт) тузилган пайтдаги объектни қуриш қийматининг камида 70 фоизини ташкил этадиган асосий нарх шакллантирувчи компонентларни ҳисобга олган ҳолда танланади.

Аниқланган пудрат ишлари (хизматлар) қиймати ушбу қурилиш объекти бўйича танлов савдолари (тендер) ўтказган танлов комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, "Давархитектқурилиш" қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси объектлар марказлаштирилган манбалар (давлат капитал қўйилмалари) ҳисобига қурилганда иккинчи йилга (ва кейинги йилларга) қурилишнинг шартномавий жорий нархи аниқлаштирилиши устидан доимий мониторингни амалга оширадилар. (ЎзР ВМ 12.08.2005 й. 196-сон Қарори тахриридаги банд)

Объект қурилишининг кейинги йиллари учун шартномавий нархлар тўғри аниқланиши учун жавобгарлик қонун ҳужжатларига мувофиқ пудрат шартномаси (контракт) тузган буюртмачи билан пудратчи ташкилотлар зиммасига юкланади.

Ўзаро ҳисоб-китоб қилишда нархни шакллантирувчи асосий омиллар ва бошқа ҳисоблаб чиқиладиган кўрсаткичлар асоссиз қўлланилиши натижасида иккинчи йилга ва кейинги йилларга объектлар қурилиши қиймати ошириб юборилиши ҳоллари аниқланган тақдирда ошириб

юборилган сумма қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда республика бюджетида тикланади.

## 9-мавзу. Капитал қурилишда танлов савдолари ва уларни ўтказиш тартиби

**9.1. Капитал қурилишда танлов савдолари ва уларнинг аҳамияти**

**9.2. Танлов савдолари турлари ва улар иштирокчилари**

**9.3. Капитал қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ва тартибга солиш**

### 9.1. Капитал қурилишда танлов савдолари ва уларнинг аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилиш, шунингдек илгари тўхтатиб қўйилган объектлар қурилишини давом эттириш билан боғлиқ ишлар ва хизматларнинг бутун комплексини бажариш, товарлар харид қилиш, асбоб-ускуналар сотиб олиш Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги 302-сон қарорига асосан танлов савдолари (тендерлар) орқали амалга оширилади. Уни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби ва шартларини эса ушбу Қарорда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида капитал қурилишда танлов савдолари тўғрисидаги Низом» белгилайди.

Низом танлов савдоларини ўтказишнинг барча ташкилий босқичларини белгилаб беради ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Умумий қоидалар
- Танлов савдолари қатнашчилари
- Танлов савдолари шакллари
- Талабгорга қўйиладиган малака талаблари
- Танлов савдоларини ўтказишга тайёргарлик
- Танлов ҳужжатларининг таркиби, тузилиши, уларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби
- Оферталарни тақдим этиш
- Танлов савдоларини ўтказиш ва уларни якунлаш
- Танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш ҳамда танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби мониторинги
- Нархларга тузатишлар киритиш ва суғурта
- Танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш харажатлари
- Танлов савдолари қатнашчиларининг жавобгарлиги

Низом талаблари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида марказлаштирилган манбалар (давлатнинг капитал қўйилмалари), давлат бошқарув органлари ва давлат корхоналари маблағлари ҳисобига товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилишда мажбурий ҳисобланади. Бошқа манбалар ҳисобига амалга ошириладиган қурилиш объектлари учун Низом талаблари тавсия хусусиятига эга бўлади.

Агар хорижий кредитлар ва грантлар бериш шартларига кўра ўзгача тартиб белгиланган бўлса, товарлар, ишлар ва хизматлар харидига низом жорий этилмайди.

Танлов савдолари ўтказиш тўғрисидаги қарор буюртмачи томонидан фақат танлов савдолари предмети тегишли ҳужжатлар (кредит шартномаси, банк маълумотномаси, қурилишларнинг аниқ рўйхати, давлат бошқарув органи қарори ва бошқалар) билан тасдиқланган молиявий ресурслар билан таъминланган тақдирда қабул қилинади.

Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилган:

**бошланғич нарх** - буюртмачи томонидан ёки унинг буюртмаси бўйича жалб этилган ташкилот томонидан аниқланадиган танлов савдолари предметининг ҳисоблаб чиқилган қиймати;

**баҳоловчи гуруҳ** - офертани баҳолаш учун танлов комиссияси томонидан ташкил этиладиган вақтинчалик орган;

**баҳоловчи комиссия** - эркин савдода харидни амалга оширишда буюртмачи томонидан ташкил этиладиган доимий ёки вақтинчалик орган;

**баҳолаш мезонлари** - талабгорларни танлаш ҳамда офертани баҳолаш ва савдолар ғолибини аниқлаш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар;

**буюртмачи** - инвестор ёки товарлар, ишлар ва хизматлар харидини амалга ошириш учун белгиланган тартибда инвестор томонидан белгиланган юридик шахс;

**талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш** - танлов савдоларида қатнашишга қўйиш учун талабгорларни танлаш;

**инвестор** - товарлар, ишлар ва хизматлар харидига ўз маблағларини ёки қарз олинган маблағларни (бюджетдан молиялаштиришда - назарда тутилган маблағларни) қўювчи юридик ёки жисмоний шахс;

**капитал қурилиш** - янги қурилиш, корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш, замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш, объектлар ва асосий воситаларни мукаммал таъмирлаш, шу жумладан лойиҳа-қидирув ишларини бажариш;

**танлов савдоларида иштирок этишга буюртманомаларни таъминлаш** - оферент томонидан буюртмачининг талабига кўра улар бўйича дастлабки мажбуриятни банк берадиган банк кафолати, топшириқ, захира аккредитивлар, чеклар шаклидаги танлов савдолари шартларида назарда тутилган исталган мажбуриятнинг, ёхуд таъминлашнинг бошқа турларида таъминланиши;

**талабгор** - офертаси савдо ташкилотчиси томонидан рўйхатдан ўтказилгунга қадар таклиф этилган шартларда танлов савдоларида қатнашиш ниятини билдирган юридик ёки жисмоний шахс;

**танлов буюртманомаси акцепти** - унинг ютган офертаси эътироф этилган ҳолда оферентга юбориладиган ва шартнома тузишга таклиф ҳисобланадиган буюртмачининг ёзма билдиришномаси;

**танлов комиссияси** - мазкур Низомнинг 12-бандида санаб ўтилган функцияларни бажариш учун буюртмачи томонидан ташкил этиладиган доимий ёки вақтинчалик орган;

**танлов савдолари** - танлов ҳужжатларида назарда тутилган мезонлар ва шартларга мувофиқ товарнинг мақбул етказиб берувчисини, ишларни бажарувчини ва хизматлар кўрсатувчини танлаш усули;

**танлов савдолари предмети** - товарлар, ишлар ва хизматлар;

**танлов савдолари ташкилотчиси** - буюртмачи ёки танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш учун буюртмачи томонидан жалб этиладиган юридик шахс;

**танлов ҳужжатлари** - танлов савдоларининг техник, молиявий, тижорат, ташкилий тавсифлари ва бошқа тавсифлари тўғрисидаги ҳамда танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш шартлари, тартиб-қоидалари тўғрисидаги дастлабки ахборот мавжуд бўлган ҳужжатлар туркуми;

**товар** - хом ашё, буюм, конструкция, асбоб-ускуналарга бутловчи буюмлар, қаттиқ, суюқ ёки газсимон ҳолатдаги предметлар, энергиянинг барча турлари, шунингдек етказиб бериладиган товарга қўшимча равишда кўрсатиладиган хизматлар, агар уларнинг қиймати товар қийматининг ўзидан ортиқ бўлмаса;

**оферент** - малака танловидан ўтган ва офертаси танлов савдолари ташкилотчиси томонидан рўйхатдан ўтказилган талабгор;

**оферта** - танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ тақдим этилган танлов савдолари предметига нисбатан талабгорнинг таклифи;

**шартномавий жорий нарх** - танлов савдолари натижалари бўйича белгиланадиган танлов савдолари предмети нархи;

**шартнома бажарилишини таъминлаш** - буюртмачининг талабига кўра танлов савдолари ғолиби томонидан улар бўйича бирламчи мажбуриятни банк ўз зиммасига оладиган банк кафолати, топшириқ, захира аккредетивлар, чеклар шаклидаги, нақд маблағлардаги депозитлар, ёхуд бошқа шакллардаги депозитлар шаклидаги шартномадаги мавжуд мажбуриятлар бажарилишининг таъминланиши.

## 9.2. Танлов савдолари турлари ва улар иштирокчилари

Инвестор, буюртмачи, танлов савдолари ташкилотчиси, танлов комиссияси ва оферентлар танлов савдоларининг асосий қатнашчилари ҳисобланади.

Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш ёки бунингсиз танлов савдолари ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

расмий фармойиш берувчи ҳужжат чиқарган ҳолда танлов савдоларини ўтказиш шакли, тури ва санасини белгилаш;

танлов савдолари ташкилотчиси функциясини амалга ошириш (ушбу функцияларни жалб этиладиган ташкилотга бериши мумкин);

мустақил равишда ёки ихтисослаштирилган ташкилотни жалб этган ҳолда танлов савдолари предметининг бошланғич қийматини белгилаш.

Буюртмачи қуйидаги функцияларни бажаради:

танлов комиссияси таркибини ва иш тартибини шакллантиради ва тасдиқлайди, унинг ишида қатнашади;

миқдори танлов ҳужжатларида қайд этиладиган аниқ танлов шартларига боғлиқ бўладиган танлов савдоларида қатнашишга буюртманомаларни таъминлаш шаклини белгилайди;

танлов савдоларининг ташкилотчиси бўлади (ушбу функцияларни жалб этиладиган ихтисослашган ташкилотга бериши мумкин);

танлов ҳужжатлари таркибини белгилайди;

талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш ва танлов савдоларига қўйиладиган асосий талабларни, танлов савдолари предметига қўйиладиган ва танлов ҳужжатлари таркибига киритиладиган махсус ва техник талабларни белгилайди;

белгиланган тартибда экспертизанинг ўтказилиши ва танлов ҳужжатлари тасдиқланишини таъминлайди, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишган ҳолда танлов савдолари натижалари тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлайди;

танлов савдолари ғолиби билан шартнома тузади;

танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ барча харажатларни қоплайди.

Буюртмачи инвестор билан белгиланган тартибда тузилган шартномада назарда тутилган ваколатлар доирасида бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

Қуйидагилар танлов савдолари ташкилотчисининг асосий вазифалари ҳисобланади:

танлов савдолари ўтказиш тартиб-қоидаларини белгилаш;

танлов савдолари предметига қўйиладиган махсус, техник ва тижорат талабларини ҳисобга олган ҳолда талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш ва танлов савдоларини ўтказиш учун танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

белгиланган шакл бўйича танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълонни матбуотда чиқариш ва потенциал талабгорларга таклифномалар юбориш;

агар танлов ҳужжатларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, аризалар ва оферталарни қабул қилиш, уларнинг ҳисобга олиниши ва махфийлигини таъминлаш;

жалб этиладиган буюртмачи билан шартнома асосида мустақил экспертлар ёки маслаҳатчиларнинг ишларини ташкил этиш;

талабгорларга танлов ҳужжатларини тақдим этиш;

оферталарнинг асл нусхаларини улар очилгандан кейин буюртмачига бериш.

Танлов савдоларини ташкил этиш учун ихтисослаштирилган ташкилот жалб этилган тақдирда танлов савдолари ташкилотчисининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари у билан буюртмачи ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

Танлов комиссияси қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ўзининг иш тартибини белгилайди;

миқдори танлов ҳужжатларида қайд этилган танлов шартларига боғлиқ бўлган танлов савдоларида қатнашишга буюртманомаларни таъминлаш шаклини тасдиқлайди;

офертани қабул қилишнинг охирги куни ва вақтини, конвертларни очиш вақти ва жойини белгилайди;

талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлайди, агар у танлов ҳужжатларида назарда тутилган бўлса;

тегишли равишда расмийлаштирган ҳолда танлов савдоларини ўтказиш тартиб-қоидаларини амалга оширади;

ичида оферталар бўлган конвертларни очади, уларнинг танлов ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини текширади (ҳужжатларнинг тўлиқ тақдим этилиши, расмийлаштириш ва ҳоказолар) ва конвертларни очиш тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди;

мустақил экспертларни (маслаҳатчиларни) жалб этиш зарурлигини белгилайди ёки танлов комиссияси аъзолари орасидан баҳолаш гуруҳини тузади;

танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга мувофиқ оферталарни ўрганади, текширади ва кўриб чиқади, танлов савдолари ғолибини аниқлайди ёки бошқа қарор қабул қилади;

танлов савдоларини ўтказиш жараёнида пайдо бўладиган низолар ва келишмовчиликларни кўриб чиқади ва тартибга солади ҳамда улар бўйича тегишли хулосалар чиқаради.

Танлов комиссияси аъзолари сони тоқ бўлиши керак.

Қоидага кўра, танлов комиссияси таркибига инвестор, буюртмачи, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, хизмат кўрсатувчи банк вакиллари киритилади.

Танлов савдолари предметига боғлиқ равишда танлов комиссияси таркибига лойиҳа, эксперт ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари киритилиши мумкин.

Танлов комиссияси таркибида инвестор ва буюртмачининг вакиллари сони комиссия аъзолари умумий сонининг тўртдан бир қисмидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Агар мажлисда танлов комиссияси аъзоларининг камида тўртдан уч қисми қатнашса танлов комиссияси ҳуқуқий ваколатли ҳисобланади.

Танлов савдоларини ўтказиш тартиб-қоидалари босқичлари бўйича қарор танлов таклифларини баҳолаш мезонларини ҳисобга олган ҳолда танлов комиссияси томонидан кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

Овозлар тенг бўлган тақдирда раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Танлов комиссияси мажлисларида "Давархитектқурилиш" қўмитасининг ваколатли вакили иштирок этади.

Танлов савдолари қуйидагиларга бўлинади:

очиқ танлов савдолари - оферентлар сони чекланмайди;

ёпиқ танлов савдолари - оферентлар сони чекланади.

Ёпиқ танлов савдолари ўтказиш тўғрисидаги қарор Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади.

Очиқ ёки ёпиқ танлов савдолари талабгорнинг малакаси олдиндан аниқланган ҳолда ёки аниқланмасдан, ёхуд икки босқичли бўлиши мумкин.

Талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш танлов савдоларининг биринчи тури, танлов савдоларининг ғолибини аниқлаш - унинг иккинчи тури ҳисобланади.

Талабгорнинг малакаси олдиндан аниқланадиган очиқ ёки ёпиқ танлов савдолари ўтказишда талабгорларнинг умумий рўйхати тузилади, талабгорнинг малакаси олдиндан аниқланади ва малакаси олдиндан аниқланган талабгорлар ўртасида танлов савдолари ўтказилади.

Икки босқичли танлов савдолари:

буюртмачи танлов савдолари предметининг аниқ тавсифини ва ўзига хослигини шакллантириш имкониятига эга бўлмаган;

шартномада ишларни уларнинг рентабеллигини таъминлаш учун етарли бўлган ёки тадқиқ этиш ёки ишлаб чиқишга сарфланган харажатлар қопланишини таъминлайдиган ҳажмларда бажариш назарда тутилган ҳоллардан ташқари, буюртмачи илмий тадқиқотлар, экспериментлар ўтказишга, қидирувлар ёки ишланмалар юзасидан шартнома тузиш ниятида бўлган ҳолларда ўтказилади.

Икки босқичли танлов савдолари қуйидаги тартибда ўтказилади:

биринчи босқичда концептуал қарор ва техник, тижорат жиҳатидан аниқланиши ва тузатилиши керак бўлган, танлов ҳужжатларида кўрсатилган шартлар асосида ишлаб чиқилган оферта баҳоси кўрсатилмаган ҳолда тақдим этилади. Танлов савдолари предмети параметрлари бўйича оферент билан музокаралар олиб борилишига йўл қўйилади. Оферталарнинг умумий сонидан танлов савдоларининг иккинчи босқичида қатнашишга йўл қўйиладиган оферталар танлаб олинади;

иккинчи босқичда танлов савдолари предметининг аниқлаштирилган параметрлари ҳисобга олинган, баҳоси мажбурий тартибда кўрсатилган ҳолда оферталари танлов савдоларининг иккинчи босқичига ўтган қатнашчиларнинг таклифлари ва буюртманомалари берилган ҳолда танлов ҳужжатларига тузатиш киритилади.

Икки босқичли танлов савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ "Даврархитектқурилиш" қўмитаси томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Ёпиқ танлов савдолари ишлар ва хизматлар юқори даражада мураккаблиги (ёки тор ихтисослашуви) билан фарқланадиган ва фақат пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг чекланган сони билангина бажарилиши мумкин бўлган ҳолларда ташкил этилади.

Ёпиқ танлов савдоларини ўтказишда танлов савдолари ташкилотчиси пудратчилар (етказиб берувчилар) умумий сонидан олдиндан етарлича малака маълумотларига эга бўлганларни, бироқ уларнинг камида учтасини танлайди ва уларга танлов савдоларида қатнашишга таклифнома юборади.

Агар пудратчилар (етказиб берувчилар)нинг умумий сони иккитадан ортиқ бўлмаса, у ҳолда таклифнома уларнинг ҳар иккаласига юборилади ва танлов савдолари уларнинг иштирокида ўтказилади.

Улардан бири рад этган тақдирда танлов шартлари аниқлаштирилган ва (ёки) унга тузатишлар киритилган ҳолда такрорий танлов савдолари эълон қилинади.

Ёпиқ танлов савдоларини ташкил этишда матбуотда эълон берилмайди, танлов савдолари таклиф этилган талабгорлар ўртасида ўтказилади.

Танлов савдолари предмети харидининг умумий қиймати 25 минг АҚШ долларига тенг суммани ташкил этган ҳолларда улар:

харид қилинадиган товар, ишлар ва хизматларнинг тавсифи, миқдори, бажариш муддатлари ва товарни етказиб бериш пункти кўрсатилган ҳолдаги таклифларни талабгорларга юбориш;

етказиб берувчи ёки пудратчи томонидан эълон қилинган баҳо ва тавсифларни таққослаш йўли билан эркин савдода амалга оширилиши мумкин.

### 1.3. Капитал қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ва тартибга солиш

Танлов савдолари ташкилотчиси танлов савдолари тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон беради ёки потенциал пудратчиларга (етказиб берувчиларга) танлов савдоларида қатнашишга таклифнома жўнатади.

Танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълонда ёки танлов савдоларида қатнашишга таклифномада қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

танлов савдолари ташкилотчисининг номи ва манзили;

танлов савдолари предметини маблағ билан таъминлаш манбалари;

танлов савдолари предметининг тавсифи ва уни сотиш жойи;

танлов савдолари предметини сотиш муддати;

талабгорларга қўйиладиган асосий шартлар;

танлов ҳужжатларини сотиб олиш жойи ва унинг учун тўлов миқдори;

офертaларни тақдим этиш жойи, охирги куни ва вақти;
оферталарни очиш жойи, куни ва вақти.

Танлов савдолари ва (ёки) талабгорнинг малакасини олдиндан аниқлаш тўғрисидаги эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилади. Буюртмачининг қарорига кўра хорижий пудратчилар (етказиб берувчилар) танлов савдоларида қатнашишга таклиф этилиши мумкин. Бунда эълон, қоидага кўра, энг оммавий даврий нашрларда, газеталарда, web-сайтда ва (ёки) БМТнинг Development Business нашрида, шунингдек хорижий мамлакатларнинг элчихоналари орқали таклифномалар жўнатиш воситасида амалга оширилади.

Оферталарни тақдим этиш муддати эълон оммавий ахборот воситаларида чоп этилган кундан бошлаб камида ўттиз кунни ёки таклифномалар жўнатилган кундан бошлаб ўттиз беш кунни ташкил этиши керак.

Танлов савдолари ўтказилиши тўғрисидаги эълон фақат танлов ҳужжатларига ижобий эксперт хулосаси мавжуд бўлган тақдирдагина чоп этилиши мумкин.

Танлов ҳужжатлари, қоидага кўра, уч қисмдан: умумий, техник ва тижорат қисмидан иборат бўлади.

Умумий қисмга қуйидагилар киради:

танлов савдоларида қатнашишга таклифнома;

товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш юзасидан шартноманинг умумий шартлари;

талабгорларнинг танлов савдоларида қатнашишга буюртманомалари шакли;

талабгорнинг малакасини ҳамда унинг техник ва молиявий аҳволини баҳолаш талаблари ва мезонларини, таклифларни молиявий баҳолаш ва танлов савдолари ғолибини аниқлаш мезонлари, танлов савдолари тартиботига таллуқли бошқа ҳужжатлардан иборат бўлган йўриқнома.

Техник қисм қуриш, реконструкция қилиш, техника билан қайта жиҳозлаш, лойиҳалаш, қурилиш объектлари учун материаллар, конструкциялар ва жиҳозлар харид қилишга доир танлов ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом талабларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

Танлов ҳужжатларининг тижорат қисми ишлар (хизматлар)ни бажариш ва (ёки) товарни етказиб бериш шартларидан, маблағ билан таъминлаш манбалари ва шартларидан, танлов савдолари предметини сотиш муддатидан, шартнома лойиҳасидан иборат бўлади.

Буюртмачи томонидан эълон қилинган нарх билан танлов савдолари ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда танлов савдолари предметининг бошланғич нархи эълон ва таклифномада кўрсатилади. Бунда танлов савдолари танлов савдолари предметининг бошланғич нархини пасайтириш юзасидан ўтказилади.

Оферталарни тақдим этиш тартиби танлов ҳужжатларида белгиланади.

Тақдим этилаётган оферта танлов ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Хорижий пудрат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ва эркин муомаладаги валютада ҳақ тўланадиган хорижий кредитлар ва грантлар ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда, агар халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан тузилган кредит шартномаларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, танлов ҳужжатларига ишлар (хизматлар) қийматининг камида 50 фоизи миқдорида ишлар (хизматлар)ни бажариш учун Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари - резидентлари иштирок этиши шартлари киритилади.

# МУНДАРИЖА


| | | |
|---|---|---|
| | **КИРИШ.....................................................................................** | |
| **I-БОБ.** | **ҚУРИЛИШДА БАҲОНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ. ҚУРИЛИШДА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ** | |
| 1.1. | Объект қурилишининг шартномавий нархлардаги баҳоси...................................................................................... | |
| 1.2. | Лойиҳани дастлабки босқичини амалга оширишда қурилиш объекти баҳосини аниқлаш........................................................ | |
| 1.3. | Қурилишнинг бошланғич баҳосини жорий нархларда (ресурс усулида) аниқлаш....................................................................... | |
| **II-БОБ** | **КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА БАҲОНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ СМЕТА-НОРМАТИВ БАЗАСИ** | |
| 2.1. | Қурилишда нарх шакллантириш учун ресурсларни сметали меъёрлашнинг асосий вазифалари............................................ | |
| 2.2. | Қурилишда нарх шакллантириш учун зарур смета норматив хужатлар тизимига кирувчи ресурсли смета нормативларнинг турлари............... | |
| 2.3. | Элементли смета ресурс нормалари ва уларни ишлаб чиқиш тартиби.... | |
| 2.4 | Иқтисодий нормативлар ва уларнинг қуйи тизими .............................. | |
| **III-БОБ** | **ҚУРИЛИШ БАҲОСИНИ ШАРТНОМАВИЙ ЖОРИЙ НАРХДА АНИҚЛАШ ҚОИДАЛАРИ. ҚУРИЛИШ-ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ СМЕТАСИ ТУЗИЛИШИ** | |
| 3.1. | Қурилиш баҳосини шартномавий жорий нархда аниқлаш қоидалари.................................................................................. | |
| 3.2. | Танлов савдоларида қатнашиши учун пудратчи ташкилотлари томонидан қурилиш баҳосини жорий нархларда аниқлаш................................................................... | |
| 3.3. | Объектлар ва ресурс смета ҳужжатларининг турлари.............. | |
| **IV-БОБ** | **АСОСИЙ ИШ ХАҚИ ХАРАЖАТЛАРИ ВА УЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ОМИЛЛАР** | |
| 4.1. | Иш ҳақи тушунчаси ва меҳнатга ҳақ тўлаш тизими................. | |
| 4.2. | Иш вақти фонди.......................................................................... | |
| 4.3. | Қурилишнинг бошланғич баҳосини жорий нархларда аниқлашда иш ҳақи учун сарфланадиган харажатлар............... | |
| **V-БОБ** | **ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, БУЮМЛАРИ ВА КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИ. УСКУНАЛАР, МЕБЕЛЬ ВА ИНВЕНТАРЛАРИ ХАРАЖАТЛАРИ** | |
| 5.1. | Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкциялари харажатлари........................................................................ | |

| | | |
|---|---|---|
| 5.2. | Ускуналар, мебель ва инвентарлари харажатлари.................... | |
| **VI-БОБ** | **ОБЪЕКТ ҚУРИЛИШИ ҚИЙМАТИНИ АНИҚЛАШДА МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХАРАЖАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ** | |
| 6.1. | Қурилиш машина ва механизмлардан фойдаланиш харажатларини шакллантириш смета ресурс нормалари......... | |
| 6.2. | Объектнинг жорий нархлардаги дастлабки баҳосини аниқлашда машина ва механизмлар эксплуатацияси учун сарфланадиган харажатларини аниқлаш................................... | |
| 6.3. | Машина ва механизмлар эксплуатациясининг жорий нархлардаги қиймати................................................................ | |
| **VII-БОБ** | **ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ИШЛАРИДА ПУДРАТЧИНИНГ БОШҚА ХАРАЖАТЛАРИ ВА УНИ ҲИСОБЛАШ. БУЮРТМАЧИНИНГ БОШҚА ХАРАЖАТЛАРИ** | |
| 7.1. | Буюртмачи ва пудратчининг “бошқа харажатлар”ни аниқлашнинг меъёрий асослари ............................................. | |
| 7.2. | Буюртмачи “бошқа харажатлари”ни таркиби ва уларни аниқлаш тартиби.......................................................................... | |
| 7.3. | Пудратчининг “бошқа харажатлари”ни аниқлаш тартиби....... | |
| 7.4. | Шартномавий жорий нархлардаги қурилиш нархига пудратчининг “бошқа харажатлари”ни (миқдорини) даражасини қўллаш тартиблари | |
| 7.5. | Пудратчининг “бошқа харажатлари” да ҳисобга оланадиган харажат моддалари.................................................................... | |
| **VIII-БОБ** | **РЕСПУБЛИКАДА МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН КАПИТАЛ ҚЎЙИЛМАЛАР ҲИСОБИГА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ** | |
| 8.1. | Объектларни қуриш қийматини шартномавий жорий нархларда аниқлаш..................................................................... | |
| 8.2. | Объектлар қурилишининг иккинчи ва кейинги йилларида шартномавий жорий нархларда қурилиш шартномавий қийматини аниқлаштириш.................................................... | |
| **IX-БОБ** | **КАПИТАЛ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА УЛАРНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ** | |
| 9.1. | Капитал қурилишда танлов савдолари ва уларнинг аҳамияти | |
| 9.2. | Танлов савдолари турлари ва улар иштирокчилари................ | |
| 9.3. | Капитал қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш ва тартибга солиш......................................................................... | |
| | Хулоса**..................................................................................** | 74 |
| | Фойдаланилган адабиётган рўйхати**....................................** | 76 |